Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган.

1993 йил 4 сентябрь, шанба № 162-163 (21.514). Сотувда эркин нархда

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

2 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси очилди. Мажлисни Олий Кенгаш раиси Ш. Йўлдошев бошқарди.

Олий Кенгаш мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев маърузасини тинглаб, бўшаб қолган ўринларга сайланган қуйидаги Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг ваколатларини тўғри деб топди: Китоб туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалик ширкатининг бригадири П. Абдуллаев, Фарғона шаҳри ҳокими А. Отабоев, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев, Фарғона тумани «Иттифоқ» жамоа хўжалигининг механизатори Қ. Қорабоев, Муборак газни қайта ишлаш заводининг темирчиси К. Мўминов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Б. Мустафоев, Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев, Жомбой туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигининг бригадири С. Саломов, Тошлоқ туманидаги М. Эргашев номли жамоа хўжалигининг бригадири П. Сулаймонов, Сўх туманидаги «Сўх» давлат хўжалигининг бригадири Л. Хўжаева, Комсомолобод туманидаги Мирзаахмедов номли давлат хўжалигининг бригадири А. Шералиев, «Ўзбекхиммаш» заводининг ишчиси А. Йўлдошев.

Депутатлар кун тартибини тасдиқладилар ва котибиятни сайладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақида» муфассал маруза қилди.

Президент маърузаси юзасидан Олий Кенгаш қарор қабул қилди.

Сўнгра маҳаллий давлат ҳокимиятлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги, республика олий мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди. Шу масалалар юзасидан Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Э. Ҳалилов маруза қилди. Дастлабки икки қонун қабул қилинди. Олий мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳаси эса дастлабки тарзда қабул қилинди.

Олий Кенгаш қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, давлат статистикаси ҳақидаги қонунларни ҳам қабул қилди. Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Шу масалалар юзасидан иқтисодий ислоҳот, бюжет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Хўжаев маруза қилди.

Депутатлар судлар тўғрисидаги, республиканинг фуқаро процессуал кодекси ҳамда жиноят процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларни қабул қилиш юзасидан моддамодда овоз бердилар. Судьяларнинг малака ҳайъати, судьяларнинг малака тонфалари, суд ходимларининг мансаб тонфалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни қабул қилдилар. Мазкур масалалар юзасидан республика Олий судининг раиси У. Мингбоев маруза қилди.

Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М. Умаров маърузаси тингланиб, республика хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди. Сўнгра Олий Кенгаш меҳнат ҳақидаги қонунлар кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Маданият ва маданий меросни асраш комитетининг раиси П. Қодиров ўзбек имлосини лотин графикасига ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маруза қилди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Республика Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси 3 сентябрь куни ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев бошқарди.

Маданият ва маданий меросни асраш комитетининг раиси П. Қодиров Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медаллари намуналарининг эскизларини тайёрлаш қандай бораётгани, шунинг дек виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги республика қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар орденлар ва медалларнинг эскизларини кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунга тузатишлар қабул қилинди.

Деҳқончилик — саноат мажмуи ва сув хўжалиги комитети раиси Ш. Мирзаевнинг маърузаси юзасидан ветеренария тўғрисида қонун қабул қилинди.

Депутатлар қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Мазкур масала юзасидан илм-фан ва экология комитетининг раиси А. Жалилов ахборот берди.

Сессияда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур масала юзасидан ветеранлар ишлари ва ёшларга доир сиёсат комитетининг раиси А. Аъзамхўжаев сессияда маруза қилди.

Олий Кенгаш республикадаги физик — жўғрофий жойлар ҳамда бошқа топониник объектлар номларини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Туркия Республикаси билан тузилган давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар, шунингдек, давлатлараро банк таъсис этиш ҳақидаги битим тасдиқланди.

Депутатлар уруш қурбонлари ҳақидаги Женева конвенциясига, халқаро тусдаги ва халқаро тусга эга бўлмаган қуролли можароларнинг қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенциясига қўшимча протоколга Ўзбекистоннинг қўшилиши ҳақидаги таклифни маъқулладилар. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини ва Олий Кенгаш раёсатининг қарорларини тасдиқлади.

Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовга

Муҳтарам жаноб Президент, Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллиги билан табриклайман. Бу кун Ўзбекистоннинг бой тарихий ўтмиши ва унинг мустақил давлат сифатидаги порлоқ келажаги рамзидир.

Мамлакатингиз ўз шонли тарихининг янги даврига қадам қўйиши биланоқ биз Ўзбекистоннинг демократия жараёнига, бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотни амалга оширишга интилишини қўллаб-қувватламоқдамиз.

Бу йўл муваффақиятли ва фаровон келажак гарови эканига ишончимиз комил.

Самимий ҳурмат билан,
Уильям Ж. КЛИНТОН.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Сизни, Ўзбекистон ҳукуматини ва халқини республика Мустақиллиги куни билан самимий табриклайман. Қардош ўзбек халқига бахт-саодат, фаровонлик ҳамда миллий тараққиёт йўлида муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олишга асосланган дўстона муносабатлар ва самаралн ҳамкорлик Ўзбекистон ва Россия халқларининг бахт-саодати йўлида изчиллик билан ривожланаверади деб ишонаман.

Б. ЕЛЬЦИН,
1993 йил, 30 август,
Москва шаҳри, Кремль.

Суратда: сессиядан лавҳалар. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Ислом КАРИМОВнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқи

Муҳтарам халқ нойблари!

Истиқлолимизнинг машаққатли, фидокорона меҳнат билан ўтган, икки йили олдида қолди.

Бу йиллар бой имкониятларга эга бўлган республика ва унинг аҳолисини танг ҳолатдан, моддий ва маънавий инқироздан чиқариш, миллий давлатимиз пойдеворини қуриш, иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш йиллари бўлди.

Ўзбекистонни жаҳонга намоён қилиш, ахборот ва иқтисодий жиҳатдан четлаштириш ҳолатига барҳам бериш, жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлари қаторида тенг бўлиб олиш сари интилиш йўллари бўлди.

Мустақилликнинг икки йили — кўҳна тарихимизни, тарихда бизга ажратилган ўрнимизни чуқур англаш йиллари бўлди.

Бу йиллар шу ҳолатларнинг сабабларини мафкуравий ақидалардан ҳоли равишда ақл-идрок билан таҳлил қилиш йиллари бўлди. Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йиллари ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан излаш, Ўзбекистонни эркин, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш йўлидаги интилиш даври бўлди. Бу даврда биз ўзлигимизни англаш йўлида улкан қадам қўйдик, ўзимизнинг тарихий йўлимизни танлаб олдик.

Ҳаётимизни, жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилмаларини ҳал қилувчи, умуминсоний қадриятларга асосланган эркин демократик келажагимизни аниқ белгилаб берган Асосий Қонун — Конституциямизни қабул қилдик.

Ҳурматли дўстлар! Дунёда умумий йўл-йўриқлар, ўхшаш андозалар йўқ. Шунингдек жаҳонда бир-бирига мутлақо ўхшаш кишилар бўлмаганидек, айнан ўхшаш давлатлар ҳам йўқдир.

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган.

Айни пайтда, бизнинг йўл жаҳон амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади.

Ўзбекистон танлаб олган йўл — **республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир.**

Иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт батамом барбод бўлади. Аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашади. Ижтимоий зиддиятлар кучая бориб, танглиққа олиб келади. Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шундан далолат беради.

Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз.

Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга янгича ёндошувларни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқурроқ идрок этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ-равшан англаб етиш лозим. Республикадаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, илғор фикрловчи ҳар бир одам ислоҳотлар ғояси билан яшаши лозим.

Шундай шароитда иқтисодий дастуримизнинг устувор йўналишларини яна бир бор аниқлаб олиш зарурати туғилади. Бор ҳақиқат шундайки, бу босқичда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бир вақтнинг ўзида бирдан ҳаммасини ҳал қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли, ислоҳотларнинг йўналишларини белгилаб олиш вақтида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларнинг ёрдамида яқин давр ичида муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал этиш мумкин бўлади. Уларнинг кўпини биз сизлар билан бир неча маротаба муҳокама қилгандик. **Айни пайтда уларни ҳаммасини бир-бири билан ўзаро узвий ҳолда боғлаб кўриб чиқиш жуда муҳимдир.**

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари тўғрисида»ги ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида бозор иқисодиётини босқичма-босқич жорий этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар тўла маъқуллансин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари тўғрисида»ги ахборотида баён этилган асосий қоидалар ҳамда хулосалар қўллаб-қувватлансин, улар раҳбарлик ҳамда ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов илгари сурган бош тамойиллар ва вазифаларга асосланган ҳолда иқтисодий ислоҳотни изчил ривожлантиришга, халқ хўжалигини янада барқарорлаштиришга, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

3 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессияси якунлари ҳамда Ўзбекистон Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобининг асосий қоидалари юзасидан долзарб ташкилотчилик ва тарғиботчилик вазифалари муҳокама қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳи раиси М. Расуловнинг Олий Кенгаш XIII сессияси якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Халқ демократик партияси ташкилотлари ва кенгашларига жойларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессияси якунларини, юртбошимизнинг иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари тўғрисидаги маърузасининг асосий қоида ва хулосаларини партия аъзолари ҳамда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш таклиф этилди.

Мажлисда партиянинг барча кенгашларига Марказий Кенгаш, унинг Сиёсий ижроқўми ва депутатлар партия гуруҳи аъзоларининг Олий Кенгаш XIII сессияси материаллари ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида баён қилинган асосий қоидалар юзасидан ташкилотчилик, сиёсий ва тарғиботчилик ишида фаол қатнашишларини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Республика партия фаолларидан иборат тарғибот гуруҳларининг жойларга чиқиш режаси тасдиқланди.

Сиёсий ижроия қўмитанинг мажлисида партия ташкилотларининг Олий Кенгаш XIII сессияси якунлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг унда қилган маърузаси ва «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китоби асосий қоидаларидан келиб чиқувчи сиёсий вазифалари тўғрисидаги масалани Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленумида кўриб чиқиш зарур, деб топилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот марказ

ДЎСТЛИКНИНГ ИПАК ЙЎЛИ

Бу кўркам, мазмундор журнални ўқувчиларимизга ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Истанбулдаги «Буюк ипак йўли» ҳиссадорлик ширкати томонидан турк ҳамда рус тилларида чоп этилаётган мазкур нашр Туркия ва жумҳуриятимиздагина эмас, балки Марказий Осиё мамлакатларида ҳам яхши маълумдир. Қадим Туркистон диёридаги мустақил давлатларнинг бугунги ҳаёти, кўҳна тарихи, бой маданиятини ўзига хос бир кўзгу сифатида ёритишни мақсад қилиб қўйган турк биродарларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли журнал юртларимиз орасидаги маънавий бир кўприкка айланиб бормоқда.

Журнал республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, жуғрофий, демографик ҳолати ҳақидаги маълумотнома билан очилади. «Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти» номли салмоқли мақолада юртимиз раҳбарининг серқирра ижтимоий фаолияти кенг кўламда таҳлил қилинади. Президент томонидан олға сурилган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил фикр юритилади.

«Туркия халқи Ислом Каримовни беҳад яхши кўриб қолди ва унга қизғин муҳаббат боғлади, — деб ёзади журнал ношири, «Буюк ипак йўли» ширкатининг бошқарувчиси жаноб Ирфон Қуртўғли.

Журналдан, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов, Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров, республика маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев, физкультура ва спорт ишлари қўмитасининг раиси С. Рўзиев, диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари У. Уватов ва бошқа масъул раҳбарлар билан қизиқарли суҳбатлар ҳам ўрин олган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Хўш, бугунги кунда республика иқтисодий дастурининг моҳиятини ташкил этувчи энг асосий устиворликлар ва йўналишлар нималардан иборат?

Биринчидан, Бозор муносабатларига ўтиш — иқтисодий дастуримизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бизнинг принципларга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак. Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш системасидан, шаклланган текисчилик ва боқимандалик психологиясидан қатъиян воз кечиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Шу борада бугунги босқичда олдимизда турган энг муҳим масалалардан:

биринчидан: **давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш** йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп-тармоқли иқтисодиётни шакллантиришдир;

иккинчидан, **нарх-наволарни босқичма-оқиқ эркинлаштириш,** монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

учинчидан, **бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш** борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлашдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш — иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият тангликни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун теэкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка ҳуш келмайдиган чоралар қўрилиши зарур. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирамиз.

Шу мақсад учун:

биринчидан, қатъий молиявий сиёсат ўтказиш. Бундан буён ҳам бюджет маблағлари қаттиқ назорат остида давлат томонидан даромад тушишига қарабгина ажратилиши лозим. Солиқ сиёсати ҳам янада такомиллаштирилиши зарур. Иқтисодий вазиятни умумий тарзда соғломлаштириш бюджетнинг даромад қисми кўпайишининг асоси бўлиши керак. Бу эса солиқ солинадиган базани кенгайтириш имконини беради. Давлат ва корхоналарнинг молиявий маблағлари алоҳида ажратилиши лозимлиги муҳим қоидадир. Корхоналар ўз маблағларига ёки тижорат банкларининг кредитига умид қилишлари керак;

иккинчидан, кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиганларга берилиши лозим. Айни вақтда асоссиз кредит экспансиясига, заём маблағлари сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий қоидадир. Бугунги кунда банклар инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири, ҳар бир тармоққа тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлишлари керак;

учинчидан, ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш. Ишлаб чиқаришни қайтадан тикламай туриб, ички молиявий ва ижтимоий барқарорликка умид боғлаб бўлмайди;

тўртинчидан, пулнинг қадрсизланишига ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш, монополист корхоналарнинг улгуржи ва чакана нархларни ошириб юборишларга йўл қўймасликдир.

Иқтисодий дастуримизнинг стратегик вазифаси — иқтисодимизнинг таркибини қайта қуришдир.

Иқтисодиётимизнинг бир ёқлама хом ашёга йўналтирилганлигини қатъиян бартараф этиш ички сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш зарур.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек республика арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурслар базаси эди. Ў тайёр маҳсулот ситиладиган қулай бозорга айланиб қолганди. Республиканинг улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда, даромадлар унинг ҳудудидан анча олисда қолиб кетарди.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришлар бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар аввало қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ресурсларини чуқур қайта ишлашга алоҳида аҳамият берилиши керак. Янги қайта ишловчи қувватларни яратиш, кенг миқёсларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини, сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш, тайёр буюмларнинг хилларини кўпайтириш уларни ташиб келтиришни камайтириш ва экспортни ошириш имконини беради.

Иккинчидан, асосан пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатидан иборат бўлган халқ хўжалигининг мавжуд таркибини истиқболи йўқдир. Шунинг учун бизнинг вазифамиз илм-фанга асосланган, техник жиҳатдан мураккаб тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш ва унинг рақобат қобилиятини тамъинлаш, аҳолий салоҳият негизида юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтиришдир.

Учинчидан, илғор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларнинг комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантиришдир. Республикада рангли металлургия, кимё ва электр техника саноатида, машинасозлик ва асбобсозлик соҳасида юксак технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун қулай имкониятлар бор. Уларнинг маҳсулотларига ҳозирнинг ўзидаёқ республикадан ташқарида харидорлар кўпдир.

Иқтисодий ўзгартиришларнинг ғоят муҳим бўғини — қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ўтказишдир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида аграр сектордаги ўзгартиришларга ғоят муҳим аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг айни аграр сектори ғоят катта резервларга эгадир. Уларни ишга солиш ҳозирнинг ўзидаёқ катта натижалар бериши мумкин.

Қишлоқ — миллий даромаднинг энг муҳим манбаи. Аммо энг муҳими, қишлоқ иқтисодий ва ижтимоий турмушдаги, натижада, сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, у орқали бутун республика фаровонлик ва тўкинликка эришади. Мен илгари ҳам кўп маротаба шуни алоҳида таъкидлаб айтганман: агарки деҳқон бой-бадавлат бўлмаса ҳеч қандай давлат бой бўла олмайди.

Энг муҳими, қишлоқда хўжалик юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш; етиштирган маҳсулотига мустақил эгалик қилиш; ўз ойласининг тўқлигини таъминлаш имконини берсин. Фақат деҳқон ердан олаётган даромад унинг ўзига тегишли бўлиши маҳсулотнинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис этгандагина, ўзини ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқ соҳасида яна бир жуда муҳим, муаммоларнинг муаммоси бор. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан банд. Табиийки, қишлоқ хўжалигида ўзлаштирилган ерларимиз шунча одамни меҳнат билан таъминлай олмайди. Шу сабаб қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг юқори самарали индустриал услублари, илғор механизация ва агрохимия усуллари ниҳоятда секинлик билан жорий этилмоқда. Бунинг натижасида унумдорлик даражаси ҳам, маҳсулдорлик даражаси ҳам паст бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Қишлоқ жойларига, лўнда қилиб айтганда, саноатни олиб келиш зарур. Замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устувор вазифадир. Булар қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналаргина эмас, балки сермеҳнат, шу жумладан касаначиликка асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчиликлари ҳам бўлиши керак.

Қишлоқда бунинг учун мутлақо янги бўлган тармоқлар — ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникацияларни тармоғини, замонавий маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш лозим бўлади.

Амалда бу соҳа ҳозир ривожланмаган. Республикамизда халқ хўжалигида банд бўлганларнинг атиги 8 фоизи маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегишлича ташкил қилинган тақдирда эса, қишлоқдаги барча хоҳловчиларни иш билан таъминлай олади. Натижада, қишлоқнинг қиёфасини, қишлоқ турмуш маданиятини, одамларимизни ҳаёт даражасини тубдан ўзгартириб юборади.

Суғорма деҳқончилик саноатида асосий бойлигимиз бўлмиш ерга муносабатни ўзгартириш биз учун устувор йўналишлардан биридир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатига доимо катта эътибор берилмоғи лозим. Агар биз шундай қилмасак, истиқболимиздан маҳрум бўламиз.

Айтиб ўтилган устувор вазифаларни рўёбга чиқариш биз учун принципиал янги бўлган иқтисодий муносабатларни жорий этишга, маърифатли тараққиёт йўлига ўтиб олишга имкон беради. Айни пайтда иқтисодий мустақилликка эришишдек ниҳоятда муҳим вазифа ҳам шу муаммоларни ечиш билан боғлиқдир.

Вазнитни барқарорлаштиришнинг ғоят муҳим бўғини аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдир.

Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни тақозо этади.

Биз қулай табиий иқлим шароитларига эгамиз. Аммо истеъмол қилинаётган қандшакар, сут маҳсулотлари ва болалар овқатининг ҳаммасини, доннинг 70 фоизини, гўшт, сут маҳсулотлари ва картошканинг 50 фоиздан кўпроғини четдан келтиришга мажбур бўляпмиз. Бунга йўл қўйиш мумкинми, ахир?

Бундай кечириб бўлмайдиган қарамликни тугатиш йўлида ғоят қатъий қадамлар қўйиш талаб қилинади. Бу иқтисодий аҳамиятгагина молик эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Биз табиий бойликларимизни тўла-тўкис ишга солишимиз керак. Экин таркибларини бошқатдан кўришимиз лозим. Донли экинлар, картошка, қанд-лавлаги бўйича чет элларнинг илғор саноат технологияларини жалб этиш, чорва ва парранда боқишда деҳқон хўжаликларига, хонадонларга амалий мадад бериш зарур. Шу маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш бугунги кунимизни талабидир.

Ҳурматли депутатлар! Базавий тармоқларни ривожлантириш иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Биз тараққиётда асосан ўз кучимизга таянишга мажбурмиз. Шунинг учун энг муҳим базавий тармоқларни биринчи навбатда ривожлантириш ҳаёт тақозосидир. Булар жумласига нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб чиқариш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари киради.

Ҳозир биз зарур нефтнинг 80 фоизини четдан ташиб келтиришга мажбур бўляпмиз. Бундан ташқари, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари ҳам республиканинг ташқарисидан сотиб олиняпти. Уларнинг нархлари мутасил ошиб бораётганлиги иқтисодиётимизга оғир юк бўлиб тушмоқда.

Айни пайтда эса биз ўзимизни нефть ва бошқа энергетика ресурслари билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари, мазкур тармоқларни кескин ривожланишини таъминлаш валюта тушумларини кўпайтиришнинг ишончли манбаи, хорижий сармояларни жалб этиш объекти ҳам бўла олади.

Экспорт қувватидан тўлатўкис ва мумкин қадар кўп фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш иқтисодиётимизни мустаҳкамлашнинг ғоят муҳим шартидир.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида ташқи бозорга мустақил чиқмасди. Жаҳон савдосида қатнашмасди. Ўзининг иқтисодий қувватини етарлича ишга тушира олмасди.

Шунинг учун бугунги кунда бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан ислоҳ қилмоқ зарур. Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди.

Экспорт таркибида чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш лозим. Хом ашёни экспорт қилишдан кўра, Ўзбекистон учун кўпроқ наф келтирадиган йўналишларга ўтиш зарур. Булар жумласига енгил саноатнинг, қайта ишлаш соҳаларининг, машинасозликнинг илм-фанга асосланган тармоқларининг тайёр маҳсулотларини чет элларга сотиш, чет эл туризмини ривожлантириш киради.

Биз хом ашё бойликларига эгамиз. Чет эл технологияларини олиб келишимиз ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этишимиз мумкин. Ана шу корхоналар замонавий техникадан фойдаланиб рақобатга қодир маҳсулот ишлаб чиқара оладилар.

Бу борада икки принципга амал қилиш зарур. **Биринчиси,** бironта корхона, бironта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилиниши ва қатъий валютада даромад келтира оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармояни олмасликлари керак. **Иккинчиси,** чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган корхона бўлмаслиги лозим. Ўшандагина жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан очиқ иқтисодиётни барпо этиш мумкин.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этишни рағбатлантириш зарур. Биз қўшма корхоналар ташкил этиш орқали замонавий технологияга ҳамда замонавий ишчилар синфига эга бўламиз. Натижада Ўзбекистонда маҳаллий хомашёдан ўзини ишлаб чиқариш базасида тайёрланган юқори сифатли моллар кўпаяди.

Экспортни кенгайтириш билан бирга импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказамиз. Ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларни четдан келтирилишини мумкин даражада камайтириш зарур. Шунинг учун асосий эътиборни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурсларни четдан олиб келишни камайтиришга қаратилмоқда. Бунинг ўрнига серҳосил экин навлари уруғлари ва уларни етиштириш бўйича саноат технологияси керак. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳақида ўйламоқ зарур.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади.

Мана шу устувор вазифани амалга ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилмоқ керак;

иккинчидан, хорижий сармояларни асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш зарур;

тўртинчидан, маблағлар-энг устувор соҳаларга — республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш керак.

Ҳурматли ноиблар!

Иқтисодий ислоҳотларимизнинг бутун дастурида айтиб ўтилган энг асосий устувор вазифалар билан бир қаторда бир қанча узлуксиз устувор йўналишларни ҳам аниқ-равшан ажратиб кўрсатиш керак.

Узлуксиз устувор йўналишлар нима? Бунинг маъноси шуки, мазкур йўналишлар ислоҳотларимиз ҳамма босқичларида устувор ҳисобланади. Улар жамиятни янгилашдан иборат бутун жараённинг бошқа йўнлишларига сингиб кетади.

Ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун қуйидагилар узлуксиз устувор йўналишлар ҳисобланади:

— таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш;

— ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;

— ва шубҳасиз, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлади.

Бу эса бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва юқори маданийлик озодликдан ҳамманинг бахтсаодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Аввалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди.

Бу аҳвол тубдан ўзгартирилиши лозим. Аслини олганда халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига синг дириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак бўлади.

Мана шу асосдаги миллатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган.

Бизнинг диёримиз буюк алломаларни етиштирган. Бутун жаҳон илм аҳли улар билан фахрланади. Улар асос солган миллий илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор.

Давлат бундан буён ҳам энг асосий устувор тадқиқотларни қўллаб-қувватлаши шарт. Чунки республиканинг келажаги ана шу тадқиқотларга боғлиқдир. Лекин илмий ташкилотларнинг ўзлари ҳам ўз моддий базасини ривожланиш йўлларини янада фаолроқ излашлари, хорижий мамлакат илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш керак. Амалиёт эҳтиёжларига яқинроқ бўлишларига самарали натижалар берадиган ихчам, изланувчан ижодий жамоаларни ташкил қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Ақлий ва маданий салоҳиятни ривожлантириш яна бир узлуксиз принцип ҳисобланади. Халқимиз ўзини ҳақиқатан ҳам озод, эркин деб билиб, муҳтожлик ва қарамлик исканжаларидан халос бўлган, қаддини ростлаган, эркин нафас олганда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Аждодларимизнинг руҳиноклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддааларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизни мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Демак, бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун ҳаражатларимизни аямаслигимиз даркор.

Ислоҳотлар муқаррарлигининг ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақиқатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади.

Бозор ислоҳотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган ҳуқуқий ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш — шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Ўз навбатида, аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш кафолатидир. Бу бошланган ислоҳотлар ва покланиш жараёнини орқага қайтишга имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Шу туфайли бозор механизмларини жорий қилишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олдиндан кучли чоралар амалга оширилиши лозим.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқичга келдик. Ҳаёт ижтимоий ҳимоялаш механизмини чуқурлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ижтимоий ҳимоя чоралари аҳолининг ҳаммасига эмас, балки кўпроқ ҳамда ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган қатламларигагина кўпроқ ҳажмда йўналтирилиши керак.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ва хайрия ташкилотларининг ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ишга туширилиши зарур.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини — болалар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш, аввалгидек ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Аммо у ҳам аниқ йўналишдаги сиёсат тусини олиши лозим. Бу ҳол болалар учун нафақалар ҳамда тўловларнинг мавжуд турлари ва шаклларини ягона тизимга солишни тақозо этади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат айниқса мушкул аҳволга тушиб қолади. Биз учун маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш асосий устувор вазифа экан; ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи одамларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш зарур. Энди ана шу таъкидлаган иқтисодий дастуримизни асосий устувор йўналишларимизни ҳаётимизга жорий қилиниб, қандай кетаётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Азиз дўстлар!

Энди ана шу таъкидланган иқтисодий дастуримизни, асосий устивор йўналишларимизни ҳаётга жорий этиш қандай бораётгани ҳақида қисқача айтиб ўтсак.

Икки йил ичида босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиш, тармоқлар, корхоналар ва ҳудудлар доирасида, турмушимиздаги аниқ мисоллар шуни айтиш учун асос бўладики, халқнинг меҳнати ва ғайрат-шижоати билан, республикани ривожлантириш ва уни янги марраларга чиқариш борасидаги иқтисодий ислоҳотлар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу борада баъзи бир кўзга кўринган мисолларга тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Авваламбор, марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишга асос қўйилди, тегишли қонунлар бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ҳуқуқий негизини ташкил қиляпти. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги юридик жиҳатдан эътироф этилди. Хусусий мулкчилик тан олинди.

Тармоқ вазирликлари ва идораларини бозор шароитларига анча мослашган концернларга, уюшмаларга, корпорацияларга ҳамда бошқа ишлаб чиқаришхўжалик шаклларига айлантириш жараёни деярли ниҳоясига етди.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш таъминланди. Давлат буюртмасининг улуши анча камайтирилди. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий эркинлик, бозор муносабатларини кенг кўламда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилди.

Бозор муносабатларининг асоси сифатида кўп асосли иқтисодиёт шакллантирилмоқда. Бу жараён икки йўналишда — янги хусусий, акционерлик ва бошқача шакллардаги корхоналарни барпо этиш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш орқали давом этмоқда.

Республикада қисқа вақт ичида 7 минг 600 та янги хусусий, 1,3 мингта ижара 460 та акционерлик ва бошқа давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ташкил қилинди.

Маҳаллий саноатда, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда, кичик хусусийлаштириш жараёни 1993 йилнинг охиригача тугайди. Матлубот кооперацияси мева-сабзавот саноати тизимида хусусийлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Ҳозирги вақтгача «Маҳаллий саноат» корпорацияси тизимида 200 дан ортиқ корхона, «Ўзбексавдо» уюшмасида 3 мингтага яқин, «Ўзбекбирлашув»да салкам 4 мингта корхона, «Ўзмаишийхизматуюшма» тизимида эса 5 мингтадан кўпроқ объект қайта ташкил қилинди.

Умуман, 15 мингтадан кўпроқ корхона нодавлат мулкчилик шаклларига, шулардан 10 500 таси ёки салкам 70 фоизи хусусий ва оилавий мулкчилик шаклига айлантирилди.

Кичик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш билан бир қаторда йирик саноат корхоналари, қурилиш комплекслари ва юк транспортини акционерлаштириш ишлари авж олиб кетди.

Тошкентда давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга оид тажрибани ҳисобга олиб, бу жараён бутун республикада авж олиб кетди. 900 мингтага яқин квартира хусусийлаштирилди. Бу эса хусусийлаштирилиши лозим бўлган уй-жойлар умумий ҳажмининг 82 фоизини ташкил қилади.

Бунда фахрийларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари, ижодий ва илмий ходимларга 300 мингтадан кўпроқ квартира бепул топширилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарга бир неча марта имтиёзлар берилди. Булар жумласига сотиб олишда нархни пасайтириш, улар учун бир мунча қулай солиқ режимини ва умуман хўжалик муҳитини вужудга келтириш киради.

Республикада тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил қилинди. Якка хўжаликларни, кооперативларни ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун «Тадбиркор» тижорат банки тузилди. Давлат уларга кенг кўламда молиявий мадад берди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш учунгина Вазирлар Маҳкамасининг заҳирасидан ярим миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак бериши керак. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларини танҳо ҳокимлигини тугатишда соғлом рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш таъсирчан восита бўлиб қолиши лозим.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш жараёни бораяпти. Халқ хўжалигини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тизими шартнома асосига ўтказилди. Савдо уйлари, биржалар, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари тармоғи таркиб топяпти. Кредит-банк тизими тубдан ўзгармоқда. Солиқ структураси ва солиқ қонунчилиги такомиллашмоқда.

Ҳозирги сессияда биз қиймматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунни қабул қилишимиз лозим. Бу қонун сармоялар бозорини вужудга келтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Бугунги вазият халқ хўжалигини макроиқтисодий жиҳатдан барқарорлаштиришни энг муҳим масала қаторига кўтараяпти.

Бунда амалий фаолиятда халқ хўжалигининг бошқарилишини сақлаб қолишга, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўймасликка, аҳолининг турмуш даражасини қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият берилмоқда.

Авваламбор, бу гап молия-кредит тизимига тааллуқлидир. Республика бюджети энг асосий, ҳаётий муҳим вазифаларни бажаришни пул билан таъминлаб турди. Биз даромадга қараб буромад қабилида иш тутишни, маблағга яраша яшашни ўрганиб олдик. Натижада давлат бюджети даромадлари харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилаяпти.

Пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини тартибга солиш воситаларининг давлат қўлида сақланиб қолиши ташқи салбий жараёнларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш имконини берди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари пайдо бўлди.

Ялпи ички маҳсулотларнинг пасайиш суръатлари 1992 йилги 9,6 фоиздан шу йилнинг биринчи ярмида 3 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришида эса 6 фоиздан 2 фоизгача тушди. Июль ойида саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг июль ойига нисбатан таққослама нархларда деярли 11 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги даражадан ошиб кетди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12 фоиздан зиёдроқ кўпайди. Ун, макарон маҳсулотлари, ёрма, мол ёғи, ип-газлама ва жунгазламалар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошди.

Саноатимизда самарали ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлашимиз зарурким, агар аввал бошданоқ халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш бўйича қатъий чоралар кўрилмаганда, уни барқарорлаштириб бўлмас эди.

Республика иқтисодиётида амалга оширилаётган илғор таркибий ўзгартишлар стратегик жиҳатдан муҳим мақсадни ҳал қилишга имкон берди. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилги 40 фоиздан ҳозир 61 фоизга кўпайди.

Пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳам анча ошди. Ўзимизда қайта ишланаётган тола 10 фоиздан 16,5 фоизга, мис 13 фоиздан 20 фоизга етди. Республикамизнинг ўзида қайта ишланган мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ҳажми кескин кўпайди.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва аҳоли истеъмол қилаётган товарлар улуши 60 фоиздан 80 фоизгача ошди.

Мудофаа тармоқларида тайёрланаётган буюмларнинг ўзгартирилиши ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улушини оширишда муайян роль ўйнади. «Алгоритм», радиоэлектрон аппаратлар заводларида, «Восток», «Ўзэлектроаппарат», «Ўзэлектронабель» бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда аграр сектор учун техника, телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар, хилма-хил электр хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «ИЛ-114» самолётини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти.

Иқтисодий стратегиянинг устувор йўналишлари орасида сизлар билан биз асосий тармоқларни ва аввало ёқилғи энергетика комплексини жадал ривожлантиришни белгилаб олдик.

Кўрилган чора-тадбирлар нефть ва газ қазиб чиқаришни пасайтирмаслик билан бирга тармоқни ривожлантириш суръатларини ошириш имконини ҳам берди. Ваҳоланки, шу даврни ўзидаёқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпгина мамлакатларида ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайиб кетди.

Бу йил 44 миллиард кубометр табиий газ, 4

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 36

1993 йил 4 сентябрь.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

ДИҚҚАТ БАНК

УНИВЕРСАЛ ТИЖОРАТ БАНКИ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич ҚАРИМОВни, унинг тимсолида Узбекистоннинг барча меҳнаткашларини, ўз мижозларини Узбекистонимизнинг давлат мустақиллигининг 2 йиллик байрами билан қизғин тәбриклайди.

Сизларга тинчлик, осойишталик, сиҳат-саломатлик ва омад тилайди. Сизларни ҳамкорликка чақирамиз.

Узаро манфаатли хизматимиздан баҳраманд бўлганингиздан беҳад миннатдормиз.

700000. Тошкент шаҳри, Фрунзе кўчаси, 27-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-21-18, 33-13-38.

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

«ЎЗБЕКИНТУР»

РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Сизларни қизиқарли ва ажойиб саёҳатларга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

СУРИЯ (Алепо) чартер рейси билан — 5—7 кун.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (Шарджа — Дубай) — 7 кун.

ТУРКИЯ (Истанбул) — 7 кун.

ЭРОН (Машҳад) — 5—6—7 кун.

ТАЙЛАНД (Бангкок) — 7 кун.

ТАЙЛАНД (Бангкок — Паттайа) — 7 кун.

ОЛМОНИЯ (Любек) денгиз орқали — 10 кун.

ОЛМОНИЯ (Гамбург) денгиз орқали — 10 кун.

ГОЛЛАНДИЯ (Роттердам) денгиз орқали — 10 кун.

ПОЛЬША, ОЛМОНИЯ, ФРАНЦИЯ — 7 кун.

ДИҚҚАТ: Энг арзон нархлар!

«Узбекинтур» бирлашмаси фақат 1 марта 15 сентябрда Туркиянинг Истанбул шаҳрига 7 кунлик саёҳатга чартер рейс ташкил қиляпти. Саёҳатнинг нархи: 260 АҚШ доллари ва 60000 сўм.

Бу нархга самолёт харажатлари, меҳмонхонада 2 кишилик хоналарда жойлашиш, икки маҳал овқат, автобусда кутиб олиш ва кузатиш киради.

Агарда Сизларни бизнинг саёҳатларимиз қизиқтирган бўлса қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
67-53-87, 67-47-62.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли, 115 («Саёҳат» меҳмонхонаси ортида).



Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалиги бу йил 215 тонна дон, 111 тонна мева, 45 тонна узум ва 1300 тонна полиз маҳсулотлари етиштиришни режалаштирган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги шарафига фидокорона меҳнатни авж олдирган хўжалик деҳқонлари айрим кўрсатгичлар бўйича режани ошириб адо этдилар. Жамоада оилавий пудратни кенг йўлга қўйилганлиги катта иш берди. Ана шундай пудратчиларнинг бири — Баҳодир Мамажонов олти гектар ерда 75 тонна қовун-тарвуз етиштириб, шаҳарликлар дастурхонига етказиб берди.

СУРАТДА: Баҳодир Мамажонов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

«ЗИНГЕР»

ЎЗБЕК — ТУРК

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«АҚАТЭКС»

ТЕКСТИЛЬ

САНОАТ ВА

ТИЖОРАТ ЛТД»

Ўзбек, турк, инглиз тиллари ва компьютерни билувчи КОТИБни, камида беш йиллик стажли БОШ БУХГАЛТЕРни, тўқиш ва тикувчилик дастгоҳлари бўйича МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6.

ДОН—БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

«Қашқадарёдонмаҳсулотлари» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, ХДП аъзоси Мурод ИБОДОВ билан суҳбат

— Мурод Ибодович! Маълумки, нон-бебаҳо бойлик. Ҳар қандай дастурхонни ҳам нонсиз тасаввур қилиш қийин. Уни ҳеч бир мева ёки сабзавотга тенглаштириб бўлмайди. Сиз бошқараётган жамоага вилоят аҳолисини ун ва дон маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилган, Хўш, бу борада қандай ишларни амалга оширяпсизлар?

— Вилоятимизда ғалла етиштиришнинг катта имкониятлари бор. Жорий йилда давлатга 212 минг тонна ғалла топшириш режалаштирилган бўлса, етиштирилган мўл ҳосил эвазига бу кўрсаткич 250 минг тоннага етди. Бу билан вилоят аҳолисини донга бўлган эҳтиёжини, яъни ун билан тўлиқ таъминлаш мумкин. Шунингдек, биз бошқа вилоятларга ҳам бемалол маҳсулот чиқара оламиз.

Биринчи ярим йилликда режадаги 83 минг 37 тонна ўрнига 83 минг 904 тонна юқори сифатли ун ишлаб чиқардик. Ўтган йилнинг ярим йиллиги билан таққослаганимизда маҳсулот ишлаб чиқариш 114,2 фоизга ўсди. Ёки бошқача қилиб айтганда, 3 миллиард 216 миллион 400 минг сўм ўрнига 3 миллиард 440 миллион 723 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Ишлаб чиқариш 110 фоизга кўпайди.

— Бу ютуқларнинг бонси нимада?

— Бозор иқтисодиёти муаммоларини енгиш учун астойдил ишлаётганимизда. Ишчиларни ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини оширдик. Жамоамиз аъзолари иш ҳақи меҳнат натижасига қараб белгиланишини қалбдан англамоқдалар.

Қарши дон маҳсулотлари комбинати вилоятда йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу корхона қунига 500 тонна ун ва 400 тонна тўйимли озуқа ишлаб чиқараяпти. Комбинат йилига 6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилади. Ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг маданий дам олишлари доимо эътиборимизда. Биз уларга қулай иш шароити яратганмиз. Ишчиларнинг бепул овқатланиши учун алоҳида маблағ ажратилган. Жамоа аъзолари махсус кийим-бош билан таъминланган. Цехларда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, бирлашмамизнинг ёрдамчи хўжалиги ишлаб турибди. Ишчиларимиз бозордагидан анча арзон сабзавот, сут ва гўшт маҳсулотлари, асал билан таъминланмоқда. Ёрдамчи хўжалик шу йилнинг олти ойи мобайнида 22,8 тонна гўшт тайёрлади. Бу ҳар бир ишчимизга 20 килограммдан тўғри келади. 31,2 тонна сут ва 32 минг 600 дона тухум олинди.

Комбинат маъмурияти, партия ва бошқа жамоа ташкилотлари ёш келин-куёвларга, меҳнат фахрийларига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Қурилиш материаллари нархи осмонга чиққан ҳозирги пайтда якка уй қурувчиларга ташкилот ҳисобидан тегишли маблағ ажратилмоқда. Кўпгина ишчиларга ўзлари яшаб турган уй-жойлар хусусийлаштириб берилди. Корхона тўловнинг 70 фоизини ўз зиммасига олди.

— Яқинда Қарши дон маҳсулотлари комбинати ташкил топганига 20 йил тўлади. Унинг «бешигини» тебратганлар ҳақида ҳам гапирсангиз?

— Корхона қурилиши 1967 йили Шайҳали посёлкасида бошланганди. Унинг биринчи навбати 1973 йили фойдаланишга топширилди. Қурилишга дастлабки директор Иван Шаропов бош-қош бўлди. Ундан кейин Ўктам Нуруллаев, Григорий Левин, Ботир Умиров, Мўмин Шарипов, Карол Маҳмудов, Бобоқул Бозоровлар узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишладилар. Улар корхонанинг мустаҳкам пойдеворини яратишганди.

Комбинатнинг «юраги» ҳисобланган тегирмон цехи қисқа вақтда қайта қурилди. Натижада ишлаб чиқаришда ўзгариш рўй берди. Замонавий технология билан жиҳозланган цехларда юқори сифатли ун тайёрлана бошлади. Бугунги кунда шу йирик корхона аҳолини бебаҳо бойлик — сифатли ун, дон маҳсулотлари билан таъминлаш манбаига айланган. Бу ҳам истиқлол ва истиқбол самараси.

Суҳбатдош
Мусо ҚАРОМОВ.

Афсус, агар айнан Сизга аталган компьютер йироқда сотилса

Бу — Apple компанияси яратган Macintosh.
1976 йилдан бошлаб Apple жаҳоншумул муваффақиятга эга бўлди. Сабаби, бошқа шахсий компьютер ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларни ўз маҳсулотларига кўникишга мажбурлаган чоғда — Apple инсон эҳтиёжларига энг яқин мослашган, ҳар бир киши учун қулай бўлган технологияни яратди.
Ҳозирда Apple компьютер саноатида етакчи корхонадир, ўтган йили у АҚШда биринчи ўринни олган.
Ўзбекистонда илк марта янги технологияларнинг ажойиб қоришмасини намойиш қилаётирмиз.
ABSYS компанияси Appleнинг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори. Биз Тошкентда уз ваколатхонамизни очганимизни мамнуният билан эълон қилиб, бугундан бошлабоқ тўла сервис хизмати кўрсатишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Apple

Бутун дунёда 14 000 000 мижоз Apple компьютерларини афзал кўрган. Сизчи?
Бизга қуйидаги рақамлар орқали қўнғироқ қилинг: (3712) 32 38 68.

Apple ва Macintosh номи ҳамда логотипи Apple Computer Inc.нинг қайд этилган савдо белгиларидир.

ABSYS
Asian Business Systems · Authorized IMC

ЛАҲЗАДА— МИЛЛИОН!

«ЭКОСАН» жамғармаси, «Ўзжамғармабанк» ва «Восток» фирмаси томонидан республика бир лаҳзалик лотереяси ўтказиляпти. Лотереялар сотилишдан тушган маблағлар экология ва ижтимоий соғломлаштириш муаммоларини ҳал этишга, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга сарфланади. Чунончи, тушган маблағларнинг бир қисми Самарқанд вилоятидаги Пахтачи район маркази — Дамхўжа сув йўли қурилишига, Талабалар шаҳарчасида «ЭКОСАН» боғини яратишга сарфланди, 30 миллион сўм республиканинг эпидемиологик аҳволи дўруст бўлмаган минтақаларида тиббий-санитария ишларини олиб бориш учун Эпидемиологияга ярдамга ўтказилади. Маблағларнинг каттагина қисми республиканинг «Тоза ҳаво» ва «Тоза сув» дастурларининг дастлабки босқичини амалга ошириш учун ишлатилади.

Бир лаҳзалик лотерея билетлари жами 4 миллиард сўмлик миқдорда чиқарилган. Шундан тенг ярми ёки 2 миллиард сўми ютуққа ажратилган. Улар орасида иккита 25 миллион сўмдан, олтита 15 миллион сўмдан, еттита 10 миллион сўмдан, 4 та 5 миллион сўмдан, юзта 1 миллион сўмдан, 200 та 500 минг сўмдан ва 300 та 100 минг сўмдан ютуқлар бор. Қолган билетларга эса 100 сўмдан 50 минг сўмгача ютуқ тўланади. Кўриниб турибдики, лотереяда ҳар бир кишининг омади келиши мумкин.

Ҳозиргача республикамизда 1 миллиард 272 миллион сўмлик миқдорда лотерея билетлари сотилди. Шундан 78 миллион 500 минг сўмлик миқдорда йирик ютуқлар чиқди. Чунончи, Навоий вилоятидан бир киши 10 миллион сўмлик катта ютуқ эгаси бўлди.

Шуни айтиш керакки, 5 миллион сўм ва ундан юқори ютуқ соҳиби ўз ихтиёрига кўра хорижий автомобилни сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади. 25 минг сўм ва ундан ортиқ ютуқ эгалари хорижий моллар: видеомажмуа, телевизорлар, музлатгичларни ютуқ миқдори доирасида бозор нархидан паст нархда сотиб олиш имкониятига эга бўлишади. Кўриниб турибдики, «Лаҳзада — миллион!» лотереясида ўйнаган ҳар бир киши миллионер бўлиши мумкин. Бунга республикамиздаги минглаб фуқаролар шахсан ўзлари амин бўлдилар. Хуллас, шошилинг, Сизни катта ютуқлар кутмоқда!

Бозордан уйга.

С. МАҲКАМОВ, олган сурат.

«АЛОҚА» КООПЕРАТИВИ ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 14 «А».

Телефон: 41-79-73.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 6. IX

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўғирчоқлар—менинг дўстларим».
18.35 Таэквондо бўйича Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари чемпионати.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Давр талаби». Тижорат канали.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Санъатимиз фидойилари». Зокир Султонов.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Истеъдод». Маъмуржон Тўхтасинов.
22.40 «Юзма-юз». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 «Тоғлар». Телефильм.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Лаҳза». Хабарлар.
20.50 «Рақс соҳибаси». Фильм-концерт.
21.25 «Лаҳза». Хабарлар.
21.45 «Энди сизни ким деб аташ керак». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.35 «Истеъдодлар ва мухлислар».
9.15 «Мангуликка асир». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
9.45 «Мавзу».
10.30 «Гол».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Олтин сочмалар». Ростов-Дондан кўрсатув.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Эльдорадо-Парма». Коми-Пермяк миллий округининг тарихи ва бугунги куни ҳақида.
15.30 Мультфильм.
15.40 «Истеъдодлар ва мухлислар».
16.20 «Иқболи кулганда».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Дунёнинг тўрт томони» кўрсатувини таништиради.
17.50 «Аср сирлари». 4-кўрсатув.
18.40 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Гол».
20.55 Е. Светланов. «Оддий суврат».
21.40 «Спорт уик-энди».
21.55 «Янги студия» таништиради. «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Россияда бизнес».
8.30 Тонгги концерт.
8.45 «Уз ишининг усталари». В. Каверин.
9.30 Хонаки экран. «Лев Толстой». Бадиий фильм. 1-серия.
10.55 «Лев Толстой». Бадиий фильм. 2-серия.
12.15 «Шаҳар этюдлари». Ҳужжатли фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
13.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
14.35 «Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
15.05 Мульти-пульти.
15.15 «Бола тилидан».
15.55 Янгиликлар.
16.10 Трансросэфир. «Европа—Осиё».

*

17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Душанба куни детектив. «Лани страйк» таништиради. «Мулен Руж». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
19.55 «Ҳақиқат онлари».
20.50 Спорт кўрсатуви.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Орзиқиб кутилган кун». Ҳужжатли фильм.
21.35 «Қутқариш хизмати 911».
22.30 Криминал хабарлар экрани.
22.40 «Лад»-галерея. Мусаввир Андрей Поздеев.
23.25 «Олмалар яна гуллади».

Сешанба, 7. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборот.
7.30 «Билиб қўйган яхши» (такрор.).
7.50 «Лизюков кўчасида яшовчи мушукча». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Куйла, менинг ёшлигим».
8.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликлари.
11.00 «Юнус Ражабий». Телефильм.
11.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қуёшни кулдирган қизалоқлар».
18.40 «Билдирсой». Телефильм.
18.50 Хиванинг 2500 йиллигига. «Аждодлар мероси — хазина».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Лирик концерт.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Жиноят жазосиз қолмайди». Фарғона вилоятидан кўрсатув.
22.20 «Юзма-юз». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Ўзбекистон жилолари». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 «Ассалом, мактаб!».
20.35 «Ретро-концерт».
21.30 «Ҳаётий воқеа». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.30 «Савдо кўпригиг».
10.00 «Қизча ва сиртлон». Телефильм премьераси.
10.20 «Джэм».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Авлиё Сергий». Балининг концерти.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.

*

15.50 Давлатлараро «Останкино» телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини таништиради. «Шунқорлар парвозга отланади». Болалар учун кўрсатув.

*

16.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

*

17.25 Республика мустақиллик кунига. «Тожикистоннинг бугунги куни».
17.25 Давлатлараро «Останкийо» телеканали «Диаспора» кўрсатувини таништиради. «Арманлар».
17.50 «Технодром».
18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Телеэкранда биринчи марта. «Мени мистер Браун деб атанг». Бадиий фильм (Австралия).
22.05 «Матбуот-экспресс».
22.20 «1993 йил қўшиқлари». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Ҳақиқат онлари».

* * *

11.00 «Чашмалар».
11.30 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
12.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.55 «Гўзаллик сири». Ҳужжатли фильм.
13.15 «Винил чангалзорлари».
13.45 «Бўйсунмас купина».
14.15 Трансросэфир. «Аҳволлар қандай, Уфа?».
15.00 «Рост» студияси. «Куни узайтирилган гуруҳ».
15.30 Янгиликлар.
15.45 «Хўжайин».
16.30 «Жаноблар-ўртоқлар».
16.45 Спорт кўрсатуви.

*

17.00—18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 215-серия.
19.40 «Бал тугади». Балетмейстер Георгий Алексидзе.
20.25 «Токиода учрашув».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Менинг Доғистоним». Расул Ҳамзатов.
21.55 «Мстислав Ростропович: «Менинг ҳаётим — рус мусиқаси».
22.35 Мусаввир Наталия Шабалина.
23.05 Санкт-Петербург мусиқаси. «Оддий дўстлар».

Чоршанба, 8. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборот.
7.30 «Эҳтиёт бўлинг, маймунчалар». Мультфильм.
7.40 Қўшиқлар ва яллалар.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Турк тили.
9.40 «Ёшлик» студияси. «Истеъдодларни излаймиз».
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Модда тузилишининг молекуляр кинетик назарияси асослари.
11.00 «Ота ўғиллар». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Усимликларнинг одам ҳаётидаги ва табиатдаги аҳамияти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Гўзал ёз хотиралари».
18.40 «Шеърият дафтаридан».
18.55 «Элга хизмат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Пахта теримини намунали ўтказайлик.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Аньаналар этаги давом...». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига. Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Сўғдиёна» (Жиззах). 2-тайм (ёзиб олинган).
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Қувноқ жилолар».
19.05 «Спринт».
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 «Ассалом, мактаб!».
20.35 «Ретро-концерт».
21.30 «Ҳаётий воқеа». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.30 «Савдо кўпригиг».
10.00 «Қизча ва сиртлон». Телефильм премьераси.
10.20 «Джэм».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Тоғамнинг туши». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
13.10 Мультфильм.

*

13.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини намойиш этади. «Ганжина» этнографик ансамбли концерти.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Иш».
15.20 «Ён дафтар».
15.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.50 «Музограф».
16.10 «Қизлар ўртасидаги сир».
16.30 «700 клуби».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Эфирда «Мир» Давлатлараро телерадиокомпанияси. «Салом, бу мен!».
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
18.55 «Киношок-93» фестивалининг очилиши.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
20.40 «Катта театр. Кунлар ва оқшомлар». М. Глинка. «Шоҳга қурбон қилинган умр». Опера.
22.45 Крилатскоеда эшкак эшиш бўйича марафон.
23.00 Янгиликлар.
23.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
23.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия —Россия терма командалари. 2-тайм. Венгриядан олиб кўрсатилади.
00.45 «Матбуот-экспресс».
00.55 «МТУ».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Христианлар учун кўрсатув.
8.25 «Менинг Доғистоним». Расул Ҳамзатов.
8.55 «Токиода учрашувлар».
9.20 «Услуб».
9.50 Россия телевизион театри. Н. В. Гоголь. «III даражали Владимир». 1-қисм
10.35 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 215-серия.
11.25 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
12.25 «Агар сиз...».
12.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.20 Кундузги сеанс. «Болохона». Бадиий фильм.
14.40 «Параллеллар».
14.55 «Бал тугади». Балетмейстер Георгий Алексидзе.
15.40 Янгиликлар.
15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».

*

17.00—18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 216-серия.
19.45 «Ишбилармон одам».
20.15 «L—клуб».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «Бизнес ва сиёсат».
22.25 «Ксюша ҳузурида».
22.55 Театр сафари. «Гастроллар, гастроллар...».

Пайшанба, 9. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборот.
7.30 «Ансамбль». Телефильм.
7.50 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
8.00 «Созимда севги васфи». Мусиқий кўрсатув.
8.20 «Бухоро қоракўли». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 Араб тили.
9.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.40 «Муаллима». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.50 «Ўрмонлар — бойлигимиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осойишталик посбонлари». Республика ИИВ матбуот маркази хабар қилади.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Мумтоз куйлардан концерт.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Ёшлик» студияси. «Амир Темур йўлларида».
22.55 «Европа воқеаси». Бадиий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.05 «Меҳр-шафқатли бўлайлик».
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 «Олишув». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильм.
8.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-тайм.
10.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Тоғамнинг туши». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
13.10 Мультфильм.

*

13.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини намойиш этади. «Ганжина» этнографик ансамбли концерти.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.

*

15.50 Давлатлараро «Останкино» телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини таништиради. «Шунқорлар парвозга отланади». Болалар учун кўрсатув.

*

16.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

*

17.25 Республика мустақиллик кунига. «Тожикистоннинг бугунги куни».

*

18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 «Расулга мусиқий таъзим».
19.10 «Ваучер — ишонч белгиси».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари.
22.15 Волейбол. Европа чемпионати. Эркаклар. Россия—Германия терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Рок-Н-ролл-ТВ».
00.25 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Тонгги концерт.
8.15 «Бизнес ва сиёсат».
9.10 Россия телевизион театри. Н. В. Гоголь. «III даражали Владимир». 2 ва 3-қисмлар.
10.45 «Рек-тайм».
11.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 216-серия.
12.05 «Биз ҳеч қачон буюртма асосида куйламаганмиз». Авторлик қўшиқлари фестивали.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
13.55 «М-трест».
14.15 «Терминал».
14.45 Трансросэфир. «Орол».
15.30 Янгиликлар.
15.45 «Рост» студияси. «Космос сабоқлари», «Биринчи тайм».
16.15 «Рус ташрифи».
16.45 Спорт кўрсатуви.

*

17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 217-серия.
19.50 «Келинг, аниқлаб олайлик».
20.05 Ватаним менинг. «Тиклаиш».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «Париж юлдузи». 2-кўрсатув.
22.00 «Ҳаёт томири». Михаил Дудин.
22.30 Кинокўзгу. «Тире белгиси». Ҳужжатли фильм. Вера Холоднаянинг 100 йиллигига.
23.30 Альберт Асадуллин концерти.
24.00 Криминал хабарлар экрани.
00.10 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Жума, 10. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборот.
7.30 «Илҳом чашмаси». Телефильм.
7.50 Мутахассис маслаҳати.
8.00 «Дилга яқин қўшиқлар».
8.20 «Қисқичбақа билан атиргул». Мультфильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Болалар учун фильм. «Усмирлар қонотда».
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Ишонч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Ўзбекистон ва жаҳон». Ўзбекистон Республикасининг «ЭКСПО-93»да иштироки.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Баҳор» билан учрашув». Халқ артисти М. Турғунбоева ва ансамбли.
22.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига. Республика театрлари телевизион фестивали. «Маъмура кампир». О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Товус малика». Бадиий фильм (Хитой).
10.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Тоғамнинг туши». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
13.20 Телефильм премьераси.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Товус малика». Бадиий фильм (Хитой).
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Янги Россия ва Европа хавфсизлиги» кўрсатувини таништиради.
17.40 «Инсон ва қонун».
18.15 «03 вагони».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «Детективлар клуби»да. «Суини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
21.40 «Матбуот-экспресс».

«ВИД» таништиради:

21.55 «Сиёсий бюро».
22.30 «Музобоз».
23.50 «Авто-шоу».
00.05 «Х» кўрсатуви.
00.30 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
01.35 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Параллеллар».
8.15 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади.
9.15 «Бурда моден» тавсия этади...
9.45 «Ҳайвонот оламида».
10.45 Мульти-пульти.
10.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 217-серия.
11.45 Ватаним менинг. «Тиклаиш».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
14.10 «Уз-ўзига режиссёр».
14.40 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
15.10 Янгиликлар.
15.25 Жума кунлари Дисней. «Севги йўл кўрсатади». Бадиий фильм. 2-серия.
16.15 Мульти-пульти.
16.25 Трансросэфир. «Бозор йўлида».

*

17.00—18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.45 Телеэкранда — премьера. «Океан». Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия.
20.25 «Джентльмен-шоу».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Катталар учун мультфильмлар.
21.50 Вика Циганова куйлайди.
22.40 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади.

Шанба, 11. IX

11 СЕНТЯБРЬ

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборот.
7.30 Эстрада концерти.
7.50 «Алдар Кўса». Мультфильм.
8.05 Дунё воқеалари.
8.20 Шифокор маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Алифбо сабоқлари.
9.40 «Пятницкий кўчасидаги қаҳвахона». Бадиий фильм.
11.05 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг». Улуғбек Нурматов.
11.35 «Чорвадор» программаси.
11.55 Усмирлар учун. «Гўзаллик гулшани».
12.25 «Олий таълим истиқболлари».
12.55 «Эл тинчлиги йўлида».
13.10 «Мерос». «Алпомиш» достони ҳақида.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Темирйўлчи» (Қўқон). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
18.50 Адабий театр. Ҳамроқул Ризо. «Нон қадри».
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 «Ўлмас мерос». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Дам олиш концерти.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.30 «Ўзбекистон—Ватаним маним». 31 августдаги тантаналар ва сайиллар асосида яратилган видеофильм.
23.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.45, 14.20, 20.20— Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 «Матбуот-экспресс».
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Қимор».
8.00 «Марафон-15» таништиради.
8.25 Эфирда «Мир» Давлатлараро телерадиокомпанияси.
9.50 «ЭКО». Экологик шарҳ.
10.05 «Китобхона».
10.45 «Мулкдор алифбоси».
10.55 «Илҳом манбалари».
11.25 «Ҳукумат кишилари».
11.40 Ёдимизда қолган фильмлар. «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм.
13.30 «Тиббиёт сиз учун».
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Марафон-15».
15.05 Режиссёр К. Шаброля фильмлари таништирилади.
15.30 Юрий Антоновнинг Олтин диски.
16.50 «Қизил квадрат».
17.30 «Ҳайвонот оламида».
18.10 «Орзулар вокзали». Ю. Башмет.
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ти Жей Хукер». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильм.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Бундан буён ва асрдан асрларга». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 1-қисм.
21.30 «Резонанс» студияси таништиради.
21.45 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Усть-Каменогорск). 2 ва 3-даврлар. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Матбуот-экспресс».
23.45 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Москва). «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
8.00 «730-формула».
8.30 «Ҳали англанмаган қонунот».
9.00 «Рост» студияси. «Гўзал қизлар», «Бизнинг «Аралаш».
9.30 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.20 Фильмлар премьераси.
10.35 Биз севган комедиялар. «Италияликлларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.

*

12.15—15.35
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
13.20 КХДР мустақиллик кунига.
13.55 «Ҳиндистон киноюлдузлари билан учрашув».
14.35 «Мозийдан ёғдулар».
15.20 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.35 «Тилла шпора».
16.05 «Чегарасиз футбол».

*

17.00—18.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Телеэкранда — премьера. «Океан». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия.
20.00 «Мутлақо махфий».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Балет... балет...». Стокгольмдаги ёш раққослар кўригида.
22.25 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.
22.55 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади.
23.55 «Эзотика».

Якшанба, 12. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахборот.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 31-32-сериялар.
10.30 «Китоб ва ҳаёт».
11.05 «Пойтуғ аёллари ҳузурида».
11.35 Инглиз тили!
12.05 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.50 «Ватанпарвар».
13.30 «Мавсум тараддуди».
14.00 «Рақсларим — орзуларим». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Жўраева.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
18.50 «Мультипанорама».
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 «Ойнаи жаҳонда».
20.15 «Хотира». Охунжон қизиқ Ҳузуржонов.
21.00 «Ҳафтанома».
21.40 «Мусиқий учрашувлар». Чортоқ шаҳар Короскон кабель ижара корхонасида.
22.25 «Кино усталари». Сайрам Исаева.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

7.00—12.00

* * *

17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.40, 14.15, 18.00, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Авто-шоу».
7.45 «Технодром».
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Спортлото» тиражи.
9.45 «Тонг юлдузи».
10.35 «Полигон».
11.05 «Мен — аёлман».
11.35 Киноҳақиқатми! «Ҳаёт қонуни». Бадиий фильм («Мосфильм», 1940 й.).
14.00 Янгиликлар.

«КТВ-I» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради:

14.20 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.30 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
18.55 «Эстрада гардемаринлари». II Россия фестивалининг очилиши. Сочидан кўрсатилади.
20.55 Эълонлар.

*

21.00 «Якунлар».
21.50 Волейбол. Европа чемпионати. Эркаклар.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсмоқда. Бу ерлар шахсий ёрдамчи хўжаликларга ўз вақтида ажратиб берилганлигининг, қишлоқда фермерлик ва бошқа бозор шакллари ривожланиб бораётганлигининг натижасидир.

Умуман етиштирилаётган гўштнинг умумий ҳажмида нодавлат секторининг улуши 78 фоизни, сут — 91, тухум — 46, дон — 48, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари деярли 80—85 фоизни ташкил этаяпти.

Ер тақсимлаб берилганлиги қишлоқда ишчи кучининг жуда кўплиги билан боғлиқ кескинликни юмшатди. Қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари ўсишига кўмаклашди.

Биз янги ерларни ўзлаштириш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасини кенгайтиришда жуда муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз. 1,5 йил ичида 22 минг гектардан кўпроқ янги ер фойдаланишга топширилди. 57 минг гектар майдонда қадимдан суғориб келинган экинзорларни ҳар томонлама янгилаш ишлари бажарилди.

Республика иқтисоднётининг мустаҳкамланиши экспорт қувватини оширишда бир қанча олға силжишларни таъминлаш имкониятини яратди. Техника соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш жаҳон бозорида рақобатга қодир машинасозлик саноати маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Бу сиёсат ишлаб чиқариш базаси янгиланиб туришини жадаллаштиришга, янги технологияларни жорий этишга қаратилган. Компрессор станциялари, кўприксимон кранлар, юк ортиш механизмлари, трансформаторлар, металл қирқиш асбобларининг янги турлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини қуриш ҳамда уларни қайта жиҳозлаш борасида кенг миқёсдаги ишлар бошлаб юборилди. Мева-сабзавот тармоғида биринчи марта Андижон вилоятидаги Куйганёр консерва заводида жаҳон талаблари даражасида томат-паста, Самарқанддаги тажриба консерва заводида сифатли олма шарбати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, экспорт қувватини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ташқи алоқаларимизнинг структурасини жиддий равишда яхшилашга олиб келди. **Олиб кетилаётган маҳсулотлар орасида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилга нисбатан 30 фоиздан 43 фоизгача кўпайди.**

Экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. **Бу йил экспорт ҳажми салкам бир ярим миллиард долларни ташкил қилади. 1991 йилда 677 миллион долларни ташкил қилган эди.**

Экспорт таркибини жиддий яхшилаш лозим бўлади. Пахта билан эмас, балки тайёр маҳсулот билан савдо қилишга интилмоқ керак. Маърифатли мамлакатларнинг ҳаммаси шундай қилади. Валюта ишлаб топиш, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан валюта ишлаб топиш зарур.

Шу йилнинг ўзидаёқ, **пахта толасини экспортдаги улуши 82 фоиздан 51 фоизгача қисқаради. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг улуши 2 фоиздан 14 фоизгача, халқ истеъмол қиладиган саноат молларининг улуши 9 фоизгача кўпаяди.**

Ҳозир Ўзбекистон валютани ўзи ишлаб топмоқда. Ишлаб топганда ҳам ақлфаросат билан пухта ўйлаб топаяпти. Агар биз илгари, ҳар бир фирмага «ёпишиб» олган бўлсак, эндиликда биз тендер эълон қилиш, шартномаларнинг энг кўп наф келтирадиган шартларини танлаб олиш имкониятига эгамиз.

Биз дунё бўйлаб қўл чўзиб тиланчилик қилаётганимиз йўқ, балки ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил қилишга интиляпмиз. Экспорт маҳсулотларининг 80 фоизга яқини бугунги кунда Бельгия, Буюк Британия, Индонезия, Нидерландия, Корея Республикаси, АҚШ, Финляндия, Швейцарияга етказиб бериляпти.

Ҳозирги вақтда собиқ Иттифоқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлар самарадорлигини ва ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўлида, амалий қадамлар қўйиляпти, четдан олиб келинаётган маҳсулот ҳажмини камайтиришга эришяпмиз. Шундай қилинса, маҳсулот келтириш ва олиб кетиш мутаносиблиги таъминланади.

Биз бундан буён ҳам иқтисоднётимизнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан бирлашишини чуқурлаштира борамиз. Энг муҳим вазифаларни биргаликда куч—ғайрат сарфлаб ҳал қиламиз. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан яқинда ўтказилган музокаралар ҳамкорликка яхши асос солди.

Ўзбекистоннинг қулай жуғрофий-сиёсий мавқеидан фойдаланиш бизнинг манфаатларимизга мос тушади. Европа ва Яқин Шарқдан Осиё — Тинч океан минтақасига олиб борадиган йўллар Ўзбекистонда туташади. Ҳозир республика Тежен — Серахс янги темир йўл қурилишига ўз улуши билан қатнашаяпти. Бу йўл Пекинни Истанбул билан боғловчи Трансосиё магистралининг таркибий қисмидир.

Каспий денгизи соҳилидаги Оқтов портини қайта қуришда, Хитой ва Покистонга чиқиш имконини берувчи Андижон—Ўш — Эргаштом — Қашқар автомобиль йўли ҳамда Ҳинд океанига чиқишимизга имкон берадиган Термиз — Ҳирот —Карачи автомобиль йўли қурилишида ва уларни қайта қуришда ўз улушимиз билан қатнашиш мўлжалланаяпти.

Республикадаги вазиятнинг барқарорлиги, хорижий сармоядорларга имтиёзлар берилганлиги Ўзекистонга сармоялар келишини кучайтириш имконини берди. **Хорижий сармоялар қўйилган корхоналарнинг умумий сони 800 тага етди.**

Дунёда ғоят машҳур бўлган Туркия давлати, Хитой, Германиянинг, Жанубий Кореянинг, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатларнинг кўзга кўринган фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Бу шундан далолат берадики, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини жиддий равишда оширмай туриб, юқори сифатли маҳсулотлар олиш, айниқса жаҳон бозорига чиқиш мумкин эмас.

Германия, Туркия, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар тузилди. Ана шу битимлар халқаро инвестиция ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан, дунёдаги энг катта банклар ва савдосаноат доиралари билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Швейцария, Германия ва Туркия банклари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Чет эл инвестицияларини жалб этар эканмиз, биз айни пайтда шуни аниқ биламизки, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмай туриб, корхоналарнинг ўзлари фаол инвестия ишлари билан шуғулланмай туриб, иқтисодиёт структурасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади.

Бутун инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш учун маблағ қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Капитал сарфларни маблағ билан таъминлаш манбаларининг структураси ўзгармоқда. Марказлаштирилган тартибда бериладиган капитал сарфлар улуши анча қисқарди. Бугунги кунда капитал сарфларнинг қарийб тўртдан уч қисми корхоналарнинг ўз маблағларидир. Ваҳолонки, 1990 йилда улар 40 фоиздан камроқни ташкил этган эди.

Биз ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш вазифасини шунчаки бир мақсад эмас, балки узлуксиз устивор йўналиш орқали энг муҳим ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш воситаси деб биламиз.

Шу сабабли бизнинг давлатимиз МДҲдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, барқарорлаштириш муаммоларини аҳолининг даромадларини кескин чеклаб қўйиш ҳисобига ҳал қилиш йўлидан бормади. Мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг тамоман янги механизми яратилди. Бунда реал иқтисодий вазият, мавжуд ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинди.

Давлат аввало аҳолининг энг муҳтож гуруҳларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Бу нарса иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз даражаси кафолат топганида, ҳаётий муҳим товарларни норма асосида беришни ташкил қилишда, қоплаш тўловларини ва бошқа тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топди.

Ярим йил ичидагина шу мақсадлар учун бюджетдан 122 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси жорий этилди. Ҳозир иш ҳақининг энг оз миқдори 11 минг сўмдан, энг оз пенсия миқдори эса 12 минг сўмдан ошади. Бу эса Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларга қараганда анча юқоридир.

Шу билан бирга Ўзбекистонда нон, ун ва бошқа кўпгина истеъмол товарларининг энг паст нархлари сақланиб қолаяпти. Мактабларда 1—5 синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонушталар берилаяпти. Юқори синф ўқувчилари учун ва талабаларнинг ошхоналарида имтиёзли овқатланиш жорий этилган.

Шу жорий йилнинг ўзида маошларни ва нафқаларни фақатгина ошириш мақсадида имтиёзлар ва социал жиҳатдан ҳимоялаш учун ажратилган маблағлар, нарху наво даражасини сақлаб қолиш учун сарфланган харажатларни ҳисобласак давлат ҳисобидан тахминан 800 миллиард сўм ажратилади.

Олдиндан кўрилган чоралар республикада ижтимоий барқарорликни, халқнинг ислоҳотлар йўлига ишончини таъминлаш имконини берди.

Таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда барча поғоналардаги ўқув юртларини тубдан қайта қуриш бошланди. Агарда яқин вақтларгача кадрлар асосан Тошкент ва Самарқандда тайёрланган бўлса, эндиликда ҳар бир вилоятда фан ва таълим марказларини ташкил қилиш йўли амалга оширилаяпти.

Энг аввало бундай ўқув юртлари асосий ядро сифатида зарур. Илмий тафаккур, мутахассислар тайёрлаш ишлари ана шу ядро атрофида ривожланади. Кейинчалик улар етакчи илмий мактаблар билан беллаша оладиган, ҳақиқий марказлар бўлиб қолиши лозим.

Шу мақсадда бир қанча университетлар, тижорат, политехника коллежлари ва бошқа ўқув юртлари очилди. Мутлақо янги йўналишлар жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, халқаро журналистика ва иқтисодиёт, бозор муносабатлари ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ишкил қилинди.

Бозор шароитидаги ишлар кадрларнинг касб маҳоратларига нисбатан қаттиқ талаблар қўяди. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига коллежларга талабалар тест синовлари асосида қабул қилинаяпти. Истеъдодли ёшларни танлов асосида, саралаб чет мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун юборилаяпти.

Ҳозирги вақтда чет элларда 2,3 мингдан кўпроқ ёшлар таълим олаяпти. Дунёдаги етакчи илмий марказлардан ўқитувчилар жалб этила бошланди.

Шундай қилиб, биз комил ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини қўйишга, ўзгаришлар муқаррарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Янгиланаётган давлатга мутлақо янги иқтисодий асос керак. Бу яққол кўриниб турган ҳақиқатдир. Бунга қўшилмайдиган бирон киши топилмаса керак.

Ислоҳотларни иқтисодимизда тадбиқ қилиш йўлида, эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда, ҳаётимиздаги кўп жараёнларда ислоҳотлар олға силжимай бир жойда тўхтаб қолаётганлигини, кутилган натижа бермаётганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар бор.

Биз ҳозир республика даражасида ва босқичида ислоҳот ўтказиш ҳақида дастур ва тасаввурга эгамиз. Лекин вилоят ёки район, тармоқ ёки корхона даражасига ўтганимизда кўпгина оқсоқликка, тушунмовчиликка, ҳатто қарама-қаршиликка дуч келаяпмиз.

Ислоҳотларнинг олға силжишини тўхтатиб турган сабабларни очиб, бу йўлдаги ғовларни олиб ташламасак, узоққа чўзиладиган иқтисодий турғунликка дучор бўлишимиз хавфи бор. Бундай ҳолда ислоҳот тушунчасининг ўзи қадрсизланади. Унинг асосий афзаллиги — янги-янги омилларни, ўзгаришларга бўлган кучли рақобатни намоён қилишдан иборат афзаллиги йўқолади.

Ислоҳотлар, уларни шунчаки ўтказиш учунгина керак эмас. Уларнинг мақсади иқтисодий фаолиятга эркинлик беришдир. Шундай бир механизм ишга туширилиши керакки, бунда ҳар бир киши ислоҳотларнинг афзаллигини яқол сезсин. Уларнинг натижаларидан ҳақиқий манфаатдорлик пайдо бўлсин. Ислоҳотлар жараёни аниқ самара билан боғлиқ бўлиши зарур.

Янги усулларни амалда жорий этиб бозор иқтисодиёти принциплари асосида яшай бошлаган жойларда ишлаш ҳам қизиқарли, ҳам даромад ва маошлар ортиб бормоқда. Бунда одамларга яқин вақтларгача қилинган мафкуравий ишлов беришнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Афсуски, ҳали баъзи бир раҳбарларимиз, фаолларимиз биз қандай яшаётганлигимизни аниқ англаб етишгани йўқ. Улар ҳатто содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини билиб олишга ҳам ҳаракат қилишмаяпти.

Эҳтимол, улар ҳали эски вақтлар қайтади деб, ичида умид қилиб юришган бўлса керак.

Бундан бошқа йўл йўқ эканлигини, шунингдек ўтмишга ҳам қайтилмаслигини англаб олиш зарур. **Шуни ҳаммага аниқ қилиб етказишимиз зарурким, у даврларга мутлақо қайтиш йўқ. Бу боши берк йўл. Бу қашшоқлик, зарарли ва боқимандалик, мутеълик йўлидир.**

Бугун — катта синов даври. Бугун — Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир инсон ўз виждони олдида, жавоб берадиган давр. Шундай бир даврда сафларимиз янада жипсроқ бўлиши керак. Эски замон яна қайтса нима қиламиз деб, юрак ҳовучлаб, тиззалари қалтираб ўтирган ожиз кимсалар билиб қўйсин: эски тузум қайтмайди, қайтиши мумкин ҳам эмас!

Халқимиз ислоҳотлар йўлини, бозор иқтисоди йўлини маъқул деб топган экан, **бегоналар бу йўлда ғов бўлиб турмасин.**

Ўзини янги сиёсат тарафдори деб кўрсатиб, истиқлол ва мустақиллик ҳақида олижаноб гапларни сайраб юрган сохта ватанпарварлар ҳам орамизда оз эмас. Улар ҳозир пайт пойлаб турибди, агар вазият сал ўзгарса, қийинчиликлар сал ошиб кетса, бир думалаб янги тузум рақибларига айланиб қолишлари ҳеч гап эмас. «Мен айтган эдим, огоҳлантириб қўйган эдим, менга гапим рост чиқди» — деб минбарларга сапчиб чиқишга тайёргарлик кўраётганлар ҳам бор. Бунақанги иккиюзламачилардан жуда эҳтиёт бўлишимиз керак.

Бир нарсани асло эсдан чиқармайлик: бугунги ёруғ кунларимизни кўролмайдиган фитначи ва иғвогарлар ҳали кўп. Бу ички қаро мансабпараст кимсалар турли фисқу фасод гапларни тарқатиб, элимизнинг жипслигини бузишга, ватандошлар орасига низо ва адоват уруғини сепишга ҳаракат қилганлар ва бундан кейин ҳам қиладилар.

Уларга нисбатан бепарво, лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ. Негаки, бу жойда истиқлолимиз, Ватанимизнинг тинчлиги—осойишталиги гаровга қўйилган. Фитначилар ва бузғунчилар билан курашиш, уларни бутунлай орамиздан чиқариб ташлаш керак. Иғвогарларга зимдан тарафдор бўлиб, уларни ноғорасига ўйнаб юрган кимсалар англаб олсин: энди у хил найранглар кетмайди, уларга йўл қўймаймиз. Халқимиз кимнинг ким эканини, ким чўнтагида тош ушлаб турганлигини яхши англайди, кимни қўллаб-қувватлаб, кимни бошдан соқит қилишни ҳам билади!

Ғанимлар нималар деб сафсата сотмасин, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг тутган йўли қатъий ва мустаҳкам: биз доимо меҳр-муруввват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, хотиржамликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз. Ватандошларимиз бир-бирларига елкадош, аҳил-иноқ бўлиб яшаш, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтож кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизни кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: ўз муққаддас буюк мақсадларимизга эришмоғимиз учун, ҳар қайси хонадонимизда, юртимизда тинчлик—осойишталик, бир биримиз билан аҳил, меҳр—оқибатли, бўлиб яшашимиз керак.

Якдиллик, имон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсонпарварлик — биз қуражак жамиятнинг тамал тошларидан биридир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Аввал айтганимдай, бугун — ҳар бир инсон ўз виждони олдида ҳисоб берадиган давр. Мустақиллик карвони йўлга чиққан экан, уни ҳеч ким тўхтатишга қодир эмас. Биз албатта манзилга етиб борамиз.

Шу катта улуғвор мақсадлар йўли равон бўлишига ҳуқуқий замин яратиш, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш, Ўзбекистонимиз халқини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, келажакка оид барча йўналишларни аниқ белгилаб олишдаги катта хизматларингизни тарих ва замон албатта эслайди ва муносиб тақдирлайди.

Босиб ўтган йўлимизга бир назар солайлик. Агар яқингинада бошдан кечирган машаққатли кунларимизни яна бир карра эслсак, шу яққол кўринадики, бизлар энг қийин даврларда ҳам ўзимизни дадил тутдик, ҳақиқат ва адолат ўз тарафимизда эканига қаттиқ ишондик.

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш ҳар бир инсон учун катта бахтдир.

Сизларни шу муқаддас замин — гўзал Ўзбекистонинг истиқлол байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-осойишталик тилайман.

Оллоҳ Таъоло ҳаммангизни ўз паноҳида сақласин.

СИЁСИЙ БАРОМЕТР «ҲАВО ОЧИҚ» БЎЛИШИНИ КЎРСАТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНМОҚДА

Собиқ Иттифоқнинг барча республикалари каби Ўзбекистонни ҳам ўтиш даврининг катта қийинчиликлари четлаб ўтгани йўқ. Пулнинг қадрсизланиши ва мавжуд хўжалик алоқаларининг узилиши, бу билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг пасайиши одамлар қайфиятига яққол таъсир қилди. Лекин Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган, бугун ўз мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаётган республика МДҲнинг камдан-кам осойишта «нуқта»ларидан бири эканлиги шубҳасиздир. Бу ерда нарх-наво Ҳамдўстликда энг арзон, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда ва энг муҳими — миллатлараро аҳиллик таъминланмоқда. Қон тўкилмай тинч-тотув яшаш эса эндиликда катта бойликдир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги асосий натижаларидан бири ўтиш даврининг ҳаётбахш концепциялари яратилиши бўлди. Иқтисоднёт етмиш йилдан кўп даврда биринчи марта мафкура инжиқликларидан чинакамига холи бўлди. «Социалистик» Хитой ва «капиталистик» Германия ва Жанубий Корея иқтисодий тизимларининг яхши жиҳатлари бирдай қизиқиш билан ўрганилмоқда ва татбиқ этилмоқда. Америкалик, германиялик, италиялик, покистонлик, ҳиндистонлик ишбилармонлар теппа-тенг шерик сифатида қатнашаётган қўшма корхоналар кўпайиб бормоқда.

Республикада ижтимоий вазият барқарорлигининг ҳал қилувчи омилларидан бири ер масаласини одилона ҳал этиш бўлди. Маълумки, Ўрта Осиё шароитида сув билан таъминланмаган ер ўз қадрини йўқотади. Замонавий ирригация иншоотларини майдалаб ташлашнинг эса имкони йўқ. Муттасил кўплаб капитал маблағлар талаб қилувчи мелиоратив тизимларда ҳам аҳвол шундай. Бундан ташқари, Ўзбекистонда аҳоли зич жойлашган, бундай шароитда ерни хусусийлаштириш ижтимоий тиғизликни туғдириши муқаррар. Буларнинг ҳаммаси, лоақал бугун ерни давлат мулкидан чиқаришни мақсадга номувофиқ, дейишга асос бўлади. Ерга ворислик ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш тўғри чора бўлиб кўринади. Бугунги кунда деҳқонлар 720 минг гектардан зиёд суғориладиган ерга эгадирлар. Бу жараёнга 1990 йилда тамал тоши қўйилганди. Эндиликда бу ерлар асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг 40 фойизидан 70 фойизигача беради.

Дарвоқе, иқтисодиётни «капиталлаштириш» асло бозор тўлқинлари ихтиёрига қўшиб юборилганлигини англатмайди. Назорат сақланиб турилибди, ёҳуд бу ерда ўтиш даврида ислоҳотнинг бошқарув жиловлари албатта давлат қўлида бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Фақат давлатгина бозорга изчил, инқилобий эмас, балки тадрижий ўтишни таъминлашга қодир. Янги ер қурмай туриб, эскисини бузмаймиз.

Кейинги икки йилда Ўзбекистонга жуда кучли, аниқ мўлжалли ижтимоий сиёсат хос бўлиб, бу аввало ўзига хос турмуш шароитлари билан, одатда кам даромадли серфарзанд ўзбек хонадонлари билан боғлиқдир. Кам таъминланган аҳоли қатламини ҳимоя қилувчи бутун ҳужжатлар туркуми қабул қилинди. Собиқ жангчилар, ногиронлар, талабаларга пул дотацияси белигиланди...

Ҳатто нарх-навонинг энг «тик» кўтарилиши ва пул қадрсизланишининг хуружи ҳам республикада нисбатан хотиржамлик билан, тушунган ҳолда қарши олинди. Бинобарин, буларнинг бари МДҲнинг бошқа бир қатор минтақаларида бўлгани каби жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келмади. МДҲдаги яқин ва олис қўшниларимизда уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳаракати кенг реклама қилинишидан анча аввал республикада молиявий ва бошқа жиноятчиликка қарши кураш бўйича миқёсли, режали иш бошлаб юборилганди. Нефть маҳсулотлари давлат концерни тизимидан, бошқа давлат бошқаруви идораларидан катта амалдорлар ҳибса олиндилар. Андижон, Наманган ва бошқа вилоятларда тадбир пайтида жиноятчи унсурлардан кўплаб миқдорда қуроллар, жумладан автоматлар ва ўтсочарлар олиб қўйилди. Азоб чекаётган Тожикистондаги гумашталари билан узвий алоқа боғлаб турган уюшган жиноятчилар бундай қудратли қуролларни нега олиб қўйганларини англаш мумкин. Дарвоқе, айнан Ўзбекистонда қўшни республикада иш қон тўкилишига олиб бориши, шунинг учун МДҲ мамлакатлари четда кузатувчи бўлиб қолишлари мумкин эмаслиги баралла айтилганлиги республикада миллатлараро ва ижтимоий жипсликни мустаҳкамлашда жиддий аҳамият касб этди. Чунончи, қўшниларда халқни «ишончли» ва «ишончсиз»га бўлиш одат тусига кирганди. Ўзбекистон раҳбарияти қатъиятлик билан миллий мансублиги, диний ва сиёсий қарашдан қатъий назар **барча фуқаролар** давлатнинг ишончли ҳимоясида бўладилар, деб эълон қилдилар.

Айниқса, миллатлараро муносабатларга Фарғона водийсидаги фожиалардан кейин бундай ёндашиш шунчаки гап бўлмай, балки турмушга фаол татбиқ этилгани муҳимдир. Бунга фуқаролик ҳақидаги қонун яққол мисол бўлиши мумкин, унга кўра Ўзбекистон аҳолиси ҳеч истисносиз тенг ҳуқуққа эга бўлди. Ўтган йилнинг охирида қабул қилинган янги Конституция эса, нуфузли халқаро экспертларнинг фикрларига кўра, демократик изчил қонун деб тан олинди...

Ўзбекистондан ташқарида бу мамлакатда кўппартиявийлик ихтилофлари энг юқори даражада, деган фикр тарқаган. Бинобарин кўппартиялилик ҳақида янги Конституцияда шундай ёзилган: «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас».

Бундай ёндашув фуқаролар тинчлигини мустаҳкамлайди. Республикада 250 дан зиёд сиёсий типдаги жамоат бирлашмалари ишлаб турибди. Ташкилотчиси ва раиси И. Каримов ҳисобланган оммавий Халқ демократик партияси билан бир қаторда ишбилармонлар ва зиёлилар орасида «Ватан тараққиёти» фирқаси муайян таъсирга эга. Конструктив мухолифат, партиявий бўлиши шарт эмас. (Бу Ўзбекистон учун хос аломат) ўз газетасига эга, расмий оммавий ахборот воситаларида тез-тез чиқиш қилади. Бугун республикада митинг эҳтиросларига ўралашган, ижобий дастурга эга бўлмаган бошқа мухолифат ҳам борлигини эътироф этмоқ керак. Амалдаги ҳокимият унга бир неча бор ақл-идрок ва ўзаро ҳамкорлик йўлига чиқиш имконини берди, лекин унинг «доҳийлари» ҳар сафар чўзилган қўлни муаллақ қолдирдилар, сабр-тоқат ва бағрикенгликни заифлик деб қабул қилишди ҳамда аллақандай ғайриконституцион орган тузишни талаб этишди. Уларнинг баъзи бирларига қонуний чоралар кўрилди.

Марказий Осиёнинг ўртасидаги мамлакатда рўй бераётган ислоҳотнинг боришини, барча катта ва кичик воқеаларни, Шарқдаги удумга кўра, биринчи раҳбар номи билан боғлашади. Шу муносабат билан республика Президенти ҳақида бир неча сўз айтмоқчи эдим. У Ислом динини ҳурмат қилади, ўлка тарихини, ўз халқи маданиятини яхши билади. ва севади. И. Каримов — Ўзбекистондаги русийзабон фуқаролар, барча камсонли миллатлар қонуний ҳуқуқларининг, манфаатларининг қатъий ҳимоячиси. У ҳар қандай кўринишдаги экстремизм ва ақидапарастликни рўй-рост қабул қилмайди.

«Каримов мўъжизаси» (буни Ғарбнинг кўплаб нуфузли сиёсатдонлари ҳам эътироф этишади) шундаки, у нафақат ўз мамлакатида, балки маълум маънода барча ҳатарли минтақаларда тинчликни сақлай олмоқда, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтишда аҳоли турли қатламлари куч-ғайратини бирлаштирмоқда. Дарвоқе, у бу ҳақда «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида муфассал фикр юритади. Энг муҳими, назаримда, муаллифнинг концепцияси ҳаётнинг пухта синовидан ўтган.

Бугун ҳам республиканинг сиёсий барометрида кўрсаткич «ҳаво очиқ» келишини билдирмоқда...

Рустам ШОҒУЛОМОВ,
ҳуқуқшунос.
ЎЗБЕКИСТОН.

(«Труд» газетасининг 1 сентябрь сонидан олинди).

МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги нишонланаётган кунларда республикамиз пойтахтида Темурийлар сулоласининг машҳур намояндаларидан бири, Буюк соҳибқиронниг набираси Мирзо Улуғбек ҳайкали тантанали равишда очилди. Бу ёдгорлик Академиклар шаҳарчасида қад кўтаргани рамзий маънога эга.

Миллий байрам куни — 1 сентябрда эрта тонгданоқ юзлаб одамлар буюк олим ва мутафаккир сиймоси тасвирланган улуғвор ҳайкални очишга бағишланган тантанали маросимга тўпландилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади. Мирзо Улуғбек мамлакатни бошқариш билан бирга фалакиёт, математика, геометрия ва тарих фанларини ривожлантиришга ҳам бебаҳо ҳисса қўшган эди.

Республикада таниқли артистлар Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» спектаклидан парчалар кўрсатдилар, қўшиқлар янгради, миллий рақслар ижро этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У. Азимов, Т. Алимов иштирок этдилар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЖАҲОН БАНКИРЛАРИ—ТОШКЕНТДА

Келаси ҳафтада Ўзбекистон мустақиллигининг тенгдоши бўлган ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўзининг икки йиллигини нишонлайди. Қўш санага бағишлаб мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекистон ва халқаро банклар сармояси: ҳамкорлик истиқболлари» халқаро анжумани очилади. Бу — Марказий Осиё ҳаётида оламшумул воқеадир. Зеро, минтақамизда илк бор ўтадиган бундай анжуманда ер куррасидаги 60 га яқин энг йирик банк ва халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Анжуман иш кунлари тиғиз ва ранг-баранг. Чунончи, Тошкентда халқаро банк мактаби, Оврўпо таъмирлаш ва ривожланиш банки, «Дойче банк» ваколатхоналари тантанали очилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий бошқарувининг янги биноси пойдеворига капсула қўйиш тантанали маросими ўтказилади. Жаҳон банкирлари ўз истиқлолининг икки йиллигини кенг нишонлаётган мустақил Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишадилар. Амалий танишув ва учрашувлар республикамиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ равшанки, хорижий банклар Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйишга жуда катта аҳамият бермоқда. Улар вакилларининг мамлакатимиз пойтахтига ташрифи бунинг ёрқин далилидир. Банкирларнинг анжумани давомида имзоланадиган шартнома ва битимлар Ўзбекистон учун катта манфаат келтиришига шубҳа йўқ.

А. РУЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОҚ ЙЎЛ, «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК»

Сирдарё вилоятида янги газета — «Сиҳат-саломатлик» пайдо бўлди. Уни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва «Шифокор» ассоциацияси нашр этмоқда.

Янги газета вилоят шифокорларининг ишлари ва ҳаёти, аҳолига кўрсатилаётган медицина хизматини кенг ёритиш, одамларни тиббиёт оламидаги янгиликлар билан таништириб бориш, ўз навбатида беморлар, аҳолининг қалб сўзлари ва орзу-истакларини шифокорларга етказишдек хайрли ишга хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Газетанинг дастлабки сонлариёқ кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Хайрли ишингизда омад ёр бўлсин, «Сиҳат-саломатлик»!

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси, Фарғона вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи У. Бегматовга укаси

Тожиной БЕГМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Муштум» журнали жамоаси, журналнинг адабиёт ва санъат бўлими муҳаррири Абдураззоқ Обрўевга онаси

ҲУРМАТОЙ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

2-Тошкент давлат Тиббиёт институти ректорати, касаба уюшмаси ҳамда фалсафа ва маънавий кафедраси жамоаси ўқитувчи М. Мирзаевага онаси

Мавжинисо МИРАМАТ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб-чиқариш бирлашмаси ва ГИДРОИНГЕО институт жамоаси аэрокосмик лабораториясининг мудири, география фанлари номзоди Х. М. Тошматовга акаси

Маҳмуджон ТОШМАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

● Рад этиб бўлмас далиллар

● Бухорода ўтказилган эксперимент

● Биринчи Турк дипломатик миссияси Бухорода иш бошлаган эди.

● Тўрт ой умр кўрган Конституция.

Ражаббой ОТА ТУРК

БУХОРО: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ



— Қоч-қоч, қизил аскар босди, уйга кир, бекин! — болалигимда амир Олимхоннинг Бухорони «ташлаб қочиши»ни (аслида қувилган) боболар шундай эслашарди. — Биз қочиб уйга кирдик, кўчаларни тўлдириб тасур-тусир — тўполон билан қизил аскар ўтди. Кейин билсак, Амир қочибди!..

Ушанда болаликка бориб «Амир ким?», «Қизил аскар ким?», «Нечун улар Бухорога бостириб кирди, амирни қочишга мажбур этди?», деб ҳеч кимдан сўрамаганман. «Бухоро халқ инқилоби»дан ўтгиз беш йил ўтгач туғилган бола — мен учун бу саволнинг тубига етиш оғир кечар, аввало дарсликларда аниқ-равшан ёзилган тарихни ўқигач, балки юқоридаги саволга ўрин ҳам қолмас. Лекин барибир, бора-бора кўнгилда шубҳа туғилди, юрагимни саволлар тирнади. Биз, ёшларни маърифат, маданият нурига йўғириш ниятида битилган китоблар, айниқса, тарих дарсликларида ўтмиш қоп-қора — бобокалонлар номаълум, боболар босмачи, жоҳил, оталаримизни эса саводсиз деб уқтирдилар, шоҳ амирларимиз жаллод, халқнинг қонини зулукдек сўрувчи — илм-маърифатдан йироқ шахслар мисолида тушунтиришар, биз, аълога ўқишни орзулаганлар эса бу ўгитларни миямизга жойлашга тиришардик.

Шу тахлит биз тенги авлод ва биздан олдинроқ туғилганлар орасидан шундай бир «саводхон» қавм-гуруҳ етишиб чиқдики, улар «Қизил империя»нинг махсус дастури билан тарбияланган, улғайган кимсалар, яъни ўзининг кимлигини, ўтмишини унутганлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзи униб чиққан замин, аҳдалар, шоирлар — шуларни ниқоб қилиб социализм, коммунизм, коммунист, комсомол, пионер, ленинчи каби мустамлакачиликнинг дастакларини маҳкам тутганларнинг қўлида қурол эдилар. Ҳа, улар ўқ эди, улар тўппонча эди. Отиларди, беаёв отиларди. Душманга эмас, дўстга, фарзандга, Ватанга қарата отиларди.

Бугун ўша болалик пайтимдаги боболарнинг ваҳимали сўзларини бот-бот эслайман: «Қоч-қоч, қизил аскар босди, уйга кир, бекин!.. Биз қочиб уйга кирдик. Қочмаганни, бекинмаганни аямай отарди, кўчакуйда ким кўринса, бари қизилнинг ўқига учдиёв. Кейин билсак, кўзи кўрқсин деркан-да, шу-шу қизил деса, болаю катта ҳамманинг танига титроқ кирадиган бўлди, унга қарши камдан-кам киши қўл кўтарди, битта-яримта юртпарвар мард чиқди-ю, барибир, большавойларнинг қўли баланд келаверди. «Босмачи» номини олган бизнинг мардларимиз тоғу тошда, чўлларда отилди, қўлга тушди, баъзилари ёлғон ваъдага ишониб, қурол-яроғи билан ўзини қизилларга топширди...»

Ҳа, хотиранинг давоми узун, узундан-узоқ хотираю кечмишнинг бари Ватан, Миллат тақдирига боғланиб, биз — авлодларнинг ҳукмига кўз тикиб турибди...

«Қоч-қоч, қизил аскар босди, уйга кир, бекин! Биз қочиб уйга кирдик...» (Ушанда улар ўн-ўн тўрт ёшли бола бўлишган).

Ҳа, уйга кирдик, Бухорога биринчи бор ўқ узилган. (1918 йил) ондан бошлаб уйга кирдик. Бекиниб ётдик, узоқ вақт уйдан чиқмадик..

«Кўчаларни тўлдириб қизил аскар ўтди..»

Ватан — Бухоро тарихи, «инқилоб»и ҳақида бор-йўқ билганим, эшитганим шу!

Сўнг ота-онам кўрмаган (Свердлов номидаги ўрта мактабда шундай таълим беришган) мактабга бордим, муаллим биз — ўттиз чоғли болани нотаниш киши сурати осиғлиқ хонага бошлаб борди... «Бу киши оғамиз, билимдон-дониш киши, инқилобчи, фирқа, — деб таништирди. — Сизлар бугундан бошлаб свердловчи ,аъло баҳода ўқийман, деб сўз беринглар!» — деди. Сўз бердик.

Дарслар бошланди. Инқилобга довур «икки фоиз» саводли бўлган халқ доврўғини оламга ёйиш, мақтаниш учун «илм»га берилдик. Подшоҳ борки, қора суркиб, мисол тополмасак, ўртоғимизнинг бобоси босмачи ўтган десак, муаллим «аъло» баҳо қўяверди. Бутун синф — ўттиз чоғли ўғил-қиз ёппасига тарихчи бўлдик.

Шундай қилиб, «билим» олишда давом этдик. Улмаган жон деганларидек, «Бухоро инқилоби»га ҳам етдик. Бу ҳақда китобларда ёзилган матнни равон ўқиш даражасига етдик:

«1920 йилнинг ёзида революцион бюро тузилди. Унинг таркибига Турк комиссияси аъзоларидан М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев, Бухоро Компартиясининг раиси Н. Ҳусаинов, революцион ёш бухороликлар кирди. БКПнинг IV съезди амир ҳокимиятини РЕВОЛЮЦИОН ЙЎЛ билан ағдариб ташлаш ҳақидаги ТАРИХИЙ ҚАРОР қабул қилди. Съезд РЕВОЛЮЦИОН ХАЛҚНИНГ ИСТАГИ билан (РКП) (б) МК ва РСФСР ҳукумати вакилига мурожаат этиб, ундан амир ҳокимиятини ағдариб ташлашда, меҳнаткаш оммага ёрдам беришни сўради...»

Эътибор беринг: «Революцион йўл», «тарихий қарор», «революцион халқнинг истаги», «меҳнаткаш оммага ёрдам» — ишонмай кўрингчи бу сўзларга! Вақт ўтиб, ниқоб йиртилгач, «Э, бечора, революцион халқ ,сенинг номинг билан нималарни ёзишмади-я дейишдан нарига ўтолмайсиз. Бугун ўшандаги «революцион халқ»нинг ҳолини тасаввур этиш мумкин.

Қонли воқеалар иштирокчилари — алдовга учганлар, тезда хиёнатга шогирд тушган фарзандлар Бухоро Россияга тўла қарам бўлгач, узоқ вақт хотиралар ёздилар. Турли инқилобий саналар (масалан, Бухоро инқилобининг... 50, 60, 70 йиллиги) муносабати билан уларнинг эсдаликлари яна бир бор алданган халқнинг маънавий дастурхонига ташланар, кимлардир бу «иссиқ нон»ларни тўйиб-тўйиб, суйиб-суйиб тановул этарди.

Беш-ўн йилда бир бор келадиган санани «тарихий»лар илҳақ кутишар, чунки ота Бухоронинг сохта тарихини тўқишда кенг майдон яратилган, кучинг етгунча, ўтинг чопгунча улоқ сур — марра сеники! Билишмасдики, майдонда от, улоқ, чавандозлар билан бирга ҳақиқат шамоли ҳам бор эди.

«Бухорода советлар учун кураш ҳал қилувчи даврга кирди. Революцияга раҳбарлик қилиш учун партия маркази тузилди. Бу марказга В. Куйбишев, Н. Хусаинов, Ф. Хўжаев ўтди. Ниҳоят, революция 1920 йил 28 августда бошланди. Эртаси куни тонг отарда отрядлар Чоржўйни ишғол қилди. Бу ердаги бек ағдариб ташланиб, коммунист Бешим сардор бошчилигида вақтли ревком тузилди. Ревком халққа мурожаат қилиб, уни амирга қарши (?) кураш бошлашга даъват этди. Айни вақтда ревком халқ номидан (?) Қизил Армияни (?) ёрдамга чақирди...

Бундай «тарих»ни ўқиб, «Э, яша, ревком Бешим сардор!» дегинг келади. У халққа мурожоат этиб, амирга қарши кураш бошлашга даъват этганда, халқ уйида жимгина ўтириб эртанги тирикчилигини ўйлар, сардор бўлса, халқ номидан Қизил Армияни ёрдамга чақирарди. Пичоқнинг сопини ўзидан чиқариш, деб шунга айтадилар!

Ва ниҳоят, «Ўлкамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва ёш авлодни революцион руҳда тарбиялаш» ниятида ёзилган («Жанговор йиллардан лавҳалар», А. Набиев. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти. Тошкент — 1968) китобдан сўнгги мисол:

«Совет Россияси азоб-уқубат чекаётган Бухоро халқига (аслида уйида жимгина нима бўлишини кутаётган халққа) дарҳол ёрдм қўлини узатди. Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе Бухоро халқига ёрдам (?) учун Қизил Армиянинг сараланган (!) қисмларини юбориш ҳақида буйруқ берди. Қизил Армия қисмлари Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Кармана ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди. 2 сентябрда тўрт кунлик жангдардан сўнг эски Бухоро ҳам эгалланди.

Яна ўша «мурувват» — «Бухоро халқига ёрдам», «Қизил Армиянинг сараланган қисмларини юбориш». Бунинг устига «дарҳол ёрдам қўлини узатиш».

Шунчалик меҳрлимиди бу қўл?

Нечун Фрунзе бунча тез ёрдам қўлини чўзди экан?

Бухоро амирлигини саройларда бекиниб олган «душман»ни янчиш учун 70 минг жангчи («Родина», 1989, 11-сон,) 40 замбарак, 5 бронепоезд, 11 самолёт сафарбар қилинди. Туркистон ҳарбий округи музейининг кўргазмаларида таъкидланишича, Николай Алексеевич Ласкин деган учувчи ҳужум пайтида Бухорога 26 пуд бомба ташлаган. Амирнинг ҳарбий таълим кўрмаган 13 минг сарбозига қарши шунча замонавий қурол ва жанговор аслаҳа! «Ҳужум қўққисдан бошланди. Олинда амир пойтахтининг деворлари... Бу деворлар олти аср бурун қурилган, баландлиги эса беш саржинга яқин... Дала тўпининг ўқи деворнинг бир қисмини кўчириб юборганига қарамай, деворларни олиш қийин бўлди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам уларни олиш керак эди. Энг ботир ўртоқларнинг ҳаётини қурбон қилиб бўлса ҳам шаҳар деворининг бир жойидан кичикроқ туйнук очишга эришдик. Яқин келтириб қўйилган тўплар Қарши дарвозасининг арчадан ясалган табақаларини тўпга тутди... Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмоқда. эди» — ,Г. Омелюстий. «Под стенами Бухари», «Сборник сатьей десятилетию Бухарской и Хорезмской революции», Т., 1930). Бухорони яксон қилиш операциясида қатнашган рус ҳарбийларининг ҳисоботномаларини ўқиган ўзбек олими Ҳамидулла Болтабоев аламдан «Инқилобми бу ё рус ҳарбийлари уюштирган қуролли тўнтаришми?» деб бонг урганди — («Шарқ юлдузи», 1991 йил, 1-сон).

Бири-биридан қайсар далилу ҳужжатларни ўрганар эканман, жисму жоним «амирнинг беадад бойликлари тўпланган қордек оппоқ саройга», масжиду мезаналар, мадрасаларга қўшилиб ёна бошлайди.

Бир юртга босқин бўлса, шунчалар бўлар!

Бир юртни талаш, камситиш, қул қилиш бўлса, бундан ортиқ бўлмас?!

Россия молия министри Вишнегородский: «Бухоро, Самарқанд, Хива рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 189-бет) деб атаган бўлса, Ленин «Туркистон мустамлакачиликнинг энг ёрқин намунасидир» деганида ҳақиқатни тан олган эди. Шунга қарамай у сўзда тан олиб, амалда эса Бош қўмондон Фрунзенинг: «Бронепоездлар ҳимоясида Эски Бухорога шиддатли ҳужум қилинсин!» деган буйруғини қўллаб-қувватлади.

Регистон устида «ЖАҲОН ИНҚИЛОБИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ»ни ўрнатиш учун Бухорога ўндан зиёд «форман», «фарсал», «совпвич», «нъюпор» «ваузен», «альбатрос» каби ҳарбий самолётлар — махсус авиаотряд юборилди. Шубҳасиз, ҳарбий зўравонликсиз Бухорони босиб олиш, амирлик ҳудудида тўнтариш қилиш мумкин эмас эди. Ленин буни яхши англагани сабабли зўравонликнинг барча туридан фойдаланишга кўрсатма берди. Бунинг шу кунгача сир тутилган сабаби бор...

Ўзбекистон мустақиллигигача босқинчиликнинг кўплаб саҳифаси бирин-кетин очиляпти, яна очилажак. Юрагимизга Фрунзе тўпи билан ўрнашган, қон-қонимизга сингиб кетган қўрқув секин-аста чекиняпти.

Тарих далолат берадики, Бухорони жуда олисдан нишонга олишган эди. Россиядан узоқда, чет бир ўлка ҳисобланмиш Бухоро амиригини ағдариб, халқига социалистик давлат қуриб бериш — бу ишда мингдаб аскар, ўқ-дори, пулимётлар, самолётлар ишлатиб, қурбонлар бериш тасаввурга сиғадиган гапми? Нима, бу шунчаки меҳр-мурувватмиди? Ёш бухороликларни қўллаб-қувватлаш ёки халқнинг ғамини ейишмиди? Йўқ...

Бухоро тўнтаришининг бу қадар тез ва осон амалга ошишига миллий шарт-шароит эмас, миллий кадрлар асосий рол ўйнайди. (Маълумки, мураккаб тақдирли Ёш бухороликларнинг кейинги ҳаёти фожиаларга тўла). Дастлаб, олдиларига қатор маданий-маърифий дастурлар ўтказишни, кейинчалик ер-сув, ҳарбий, молия, ва ички ва ташқи ишлар, қозихона муассасалари, давлат муҳофазаси, йўллар ва қазилма бойликлари, маориф соҳасида ислоҳот ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиққан инқилобчи Ёш бухороликлар партияси (Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов, Усмонхўжаев...) раҳбарлари ва аъзолари кўп ўтмай (1920-22 йиллар) Бухорода халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги қирғинлар, йўқотишлар, Туркомиссиянинг ғайриқонуний ҳарбий сиёсатини тўла тушуниб етдилар. Афсуски, кеч эди. Бухоро қўлдан кетган, мамлакатни мустақил демократик давлатга айлантириш ва бошқариш йўлидаги барча ҳаракатлари сароб бўлиб чиқди. «Бухоро халқ Шўролар жумҳуриятининг Конституцияси» эълон этилганидан (1921 йил 23 сентябрь) тўрт ой ўтмай амал қилиши тўхтатилди. Ҳолбуки, 1921 йил 15 июнда Бухоро ҳукумати Туркиянинг Улуғ Миллат мажлисига нота юориб, ўзаро вакил айирбошлаш ҳақида битим таклиф қилганди. Таклифга кўра, ўша йилнинг 3 ноябрида Туркия дипломатик миссияси Бухорода иш бошлаган эди.

Шундай қилиб, «Марказ» — Россия Бухоронинг мустақил демократик халқ жумҳурияти мақомини тан олмади. Бухорода бундай давлат ўрнатиш «Марказ»нинг режасида йўқ эди. Шунинг учун зўрлик билан 1922 йил 22 январда («Шарқ юлдузи», 1991 йил 1 сон, 137-бет) Фавқулодда диктаторлик комиссияси тузилиб, унга «Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларни чеклаш, унинг бажарилишини тўхтатиш, Бухоро МК томонидан чиқарилган буйруқларни бекор қилиш», «Шарқий Бухоро ҳудудида исталган шахсни мансабидан қатъий назар қамоққа олиш ва ҳудуддан чиқариб юориш» каби чекланмаган ҳуқуқлар берилди. (ЎзССР МДА, 48-ф, 2-р, Шд. 35-в).

Кўп ўтмай РКП (б) МК Сиёсий бюроси 1922 йил 1 февралда «Бухоро масаласи»ни муҳокама қилди. Ф. Хўжаев муҳокамадан бир неча ҳафта бурун Турккомиссияга хат ёзади: «Бу масала — «Бухоро масаласи» ҳозирги вақтда яна ,Бухорода Туркия дипломатик миссияси иш бошлагандан сўнг — (Ражаббой Ота Турк) қўзғалиб қолди ва биз учун жиддий аҳамият касб этмоқда.. Сизга журъат қилиб шуни айтаманки, Бухорода ҳокимиятни алмаштиришдан иборат бирор эксперимент ўтказишни зарур деб билсангиз, буни бизга олдиндан хабар қилиб қўйишингизни илтимос қиламиз, бу ишда Сизга хизматимизни аямаймиз ва Сизга ким маъқул бўлса, (унга) ҳокимиятни топшириб қўя қоламиз... Биз зўрлик билан қилинадиган тўнтаришларни истамаймиз, чунки шундай экспериментлардан сўнг Бухоро муқаррар хароба чўлга айланишини яхши биламиз...» (Асарлар, 1-том, 451-453-б.)

Ҳа, Файзулла Хўжаев ушбу хатида «Бухоро халқ инқилоби»нинг ТЎНТАРИШ, ЭКСПЕРИМЕНТ эканлигини ёзма равишда тан олган эди. Ўзи иштирокидаги Фрунзе босқинидан сўнг Бухоронинг хароба ҳолга келганини яхши англар, шаҳар галдаги зўрликни кўтаролмаслиги — чўлга айланиши мумкинлигидан хавотирга тушган Файзулла Хўжаев учун ҳокимиятни топшириб қўя қолиш афзалмасмиди? Лекин кучқудрат тўплаётган ёш «Қизил империя» ўз мақсадига тўла эришгунча, Туркистонда ҳукмронликни қўлга киритиб, мустаҳкамлагунча — маълум муддат Файзулла Хўжаевдан фойдаланиб туришни лозим топди. Ленин дастурининг амалга ошиши учун Файзулла Хўжаев ижтимоий-сиёсий ва миллий қурол эди. Ҳар лаҳза, ҳар куни янги-янги зарбаларга тайёр туриш ва чидашдан бошқа имкони йўқ эди, унинг.

1922 йилнинг 18 майида Бухорога махсус топшириқ билан келган Серго Оржоникидзе бошчилигидаги РКП (б) МК тафтиш комиссияси дарҳол иш бошлади. У Бухоро КП масъул ходимларини йиғиб, кенгаш ўтказди: «Биз Бухоро ҳукуматини нафақат ақсилинқилобий кучлардан, балки қариндошлик алоқаларидан тозалашимиз керак... Эътироз қилмаймиз: халқ нозирларининг раиси — бухоролик, МК раиси — Бухородан бўлсин, лекин Компартия МК котиби маҳаллий миллатга алоқадор бўлмаслиги керак. Худди шу каби нозирлар кенгаши ҳам миллатни рад этмоғи лозим. Нозирлар эса миллатдан ташқарида бўлишлари лозим. Нозир бухоролик бўлса, яхши албатта, лекин унинг рус ёки грузин бўлгани яна ҳам яхши» (А. Эшонов. Созданиев БНОР. 1920-24 г. г. Т., 1955, с. 147).

Бухорода яна ҳарбийлар сиёсати ўрнатилгач, инқилобга ишонган, суянган ташаббускор, зиёли раҳбар, арбоблар бирин-кетиб Ватанни тарк эта бошладилар. Бутун бухоро ҳарбий қўмитасининг аъзоси, ҳарбий ишлар халқ нозири Абдулҳамид Орипов, Жумҳурият Шўролар МК-нинг раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев каби шахслар мамлакатдаги сиёсий танглик — рус босқинчилигининг шиддатига дош беролмай, Анвар пошшо томонига ўтиб кетдилар.

Инқилоб номи ила ижро этилган Бухоро тўнтаришининг алданган фарзанди Файзулла Хўжаевнинг овозини эса ҳеч кимса эшитмади. Шунга қарамай, тақдирдан мадад кутаётган Файзулла Хўжаев ўзи ўстирган инқилоб дарахтининг мева беришини сабр-бардош билан кутди. Унинг сўнгги йиллари умидворлик ва кураш, алданганини ҳис этишдек азобда кечди, энг сўнгги кунлари эса савдогар отасидан мерос қолган мол-мулкни, Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон хазинасини Совет ҳокимияти ихтиёрига қўш қўллаб топшириб, эришгани — Ленин партиясининг турмасида ўтди:

— Мен нақадар оғир жиноят қилиб қўйганимни тушундим... — бу унинг сўнгги, Совет ҳукуматига қилган холис, беминнат хизматлари учун мукофот — отув олдидан айтган сўзи эди.

Кўнгилда армонли таскин: у кеч бўлса-да, оғир хато қилганини англади...

Амир Сайид Олимхон-чи? Тақдир уни-да аямади. Тўнтаришгача ўз ҳудудидаги давлат ва фуқаролари ҳаёти, мол-мулкига қонуний ҳуқуққа эга олий ҳукмрон Сайид Олимхон сўнгги кунларини Афғон тупроғида муҳожирликда ўтказди. У муҳожирликда яшаса-да, қонуний тахтидан, Бухородан умидини узолмади.

Совет ҳукумати амир хонадонига нисбатан мисли кўрилмаган шафқатсизлик қилди. Унинг уч ўғлини қонунсиз бир умр тутқинликда сақлади... Бу билан «Қизил империя» яна бир карра асл қиёфасини, мақсадини ошкор этди.

Энди навбат — топталган, талланган юртимиз, ўша даврда бой берилган мустақиллигимиз тарихини ёдга олиш, тасаввур ва далилларга таяниб ҳақ гапни айтишдан иборат.

Ражаббой Ота ТУРК 1955 йил Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. 1978 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирди. Москвадаги жаҳон адабиёти институтининг проза бўйича олий курсида таҳсил олди. Республика газеталарида хизмат қилди. «Юрак садоси», «Яна бир баҳор», «Нур дарвозаси» каби ҳикоя ва қиссалар муаллифидир. У кўп йиллардан буён 1918—20 йиллар Бухоро воқеалари тарихини ўрганмоқда.

• Спорт

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВ БАЙРАМИ

Мустақил давлатимизнинг икки йиллиги байрами шодиёналари дилларга сурур бахш этиб турган бир пайтда минглаб мухлислар қувончига қувонч қўшилди. Кеча Тошкентда шарқона беллашувнинг қизиқарли турларидан ҳисобланган таэквондо бўйича Осиё ва Тинч океани ҳудудига кирувчи мамлакатлар чемпионати бошланди.

Спортнинг бу тури жаҳон миқёсида тобора оммавийлашиб бормоқда. Курашнинг шарқона турлари орасида таэквандо мухлислари кўпроқ. Ҳозирда қилич, ёки найзадек ўткир нишонга тегувчи бақувват қўллар билан кучли оёқлар ҳаракатининг уйғунлиги таэквандо курашини юзага келтирди. Унинг маъноси таэ — қўллар бўлса, квондо — оёқлар демакдир.

— Нуфузли мусобақа биринчи марта ўтказилаётганига қарамай, мустақил Ўзбекистон пойтахти танланганини ҳаммамизни қувонтирди, — дейди республика халқаро таэквандо маркази президенти, мусобақа ташкилот қўмитаси раиси ўринбосари Вольмир Лигай. — Бўлмаса чемпионатни ўтказиб беришга Сингапур, Австралия ва Япония ҳам даъвогар эдилар. Лекин Осиё ва Тинч океани ҳудуди мамлакатлари таэквандо уюшмасининг навбатдаги йиғилишида биринчи чемпионатни Тошкентда ўтказиш лозим топилди. Сабаб Ўзбекистонда спортнинг мазкур турига қизиқиш ҳам, ривожланиши ҳам бошқачалиги ҳаммага маълум. Чемпионлик учун курашда 20 дан ортиқ мамлакат иштирок этади. Улар орасида Австралия, Япония, Малайзия, КХДР, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Шри-Ланка ва Вьетнам каби мамлакатлар бор...

Мусобақани ташкил этишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг хизматлари ҳам беқиёс бўлди. Мамлакатимиз ҳаво кемаларида спортчи-ю меҳмонлар тўғри Тошкентга етказиб келинди. Мусобақа эса пойтахтимизнинг йирик спорт иншоотларидан бири — «Алпомиш» саройида давом этмоқда. Бу ерда КХДРдан келган жаҳон чемпиони Ченг Йонг Ок ҳамда жаҳон чемпионатининг ғолиби, малайзиялик Ким Сун Чоллар иштирок этишмоқда. Мустақил диёримиз спорт шарафини эса жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Ботир Маметов, Евгений Ли, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Баҳром Қулаҳмедов ҳимоя қиладилар. Уч кун мобайнида 200 дан зиёд полвон маҳорат кўрсатиши кўзда тутилган.

Кеча халқаро мусобақанинг тантанали очилиши байрамона тарзда ўтди. Турли мамлакатларнинг байроқлари ҳилпираб турган спорт саройи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бугун эса дастлабки ҳал қилувчи беллашувлар бўлади. Вазнларга кўра аёллар ва эркаклар ўртасида дастлабки совринлар аниқланади. Эртага мусобақанинг якунловчи куни.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ҳаётимиздаги воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

БМТ БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШДИ

● **ЖЕНЕВА. Бу ерга расмий визит билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. Козирев БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий билан учрашди.**

Икки ўртада бўлиб ўтган музокарада асосий эътибор Россия ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига бағишланди.

ТЕҲРОН ТАЛАБ ҚИЛАДИ

● **ТЕҲРОН. Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Велоятининг БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга ёзган хатида халқаро ҳамжамиятдан «Озарбайжонга қарши арман агрессияси»ни тўхтатиш мақсадида «кескин чоралар» қўрилишини талаб қилди.**

Эрон телевидениеси орқали ўқиб эшиттирилган баёнотномада Эрон дипломатик идораси бошлиғи БМТни «арман ҳарбий кучларини тан олинган халқаро чегараларигача чекинишга мажбур қилишга» чақирди.

ЯСИР АРОФАТ ТАКЛИФИ

● **ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Фаластинни озод қилиш ташкилоти ижроия қўмитаси (ООП) раиси Ясир Арофат АҚШ ҳукуматини яқин Шарқдаги аҳволни барқарорлаштиришда ҳисса қўшишга чақирди.**

У буни Яманга ҳусусий сафар билан келган АҚШ собиқ Президенти Жимми Картер билан бўлган учрашувда айтди. Рейтер агентлигининг таъкидлашича, собиқ Оқ уй бошлиғи Ж. Картер 1979 йили Исроил билан Миср ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланишига кўмаклашган эди.

АРМАН АРМИЯСИНИНГ ҲУЖУМИ

● **Озарбайжон мудофаа вазирлигининг хабар беришича арман ҳарбий кучлари Арманистон ҳудудидан туриб Озарбайжоннинг Жаброил шаҳрига ҳужум қилишди.**

Бунинг натижасида Озарбайжон армияси Кубатли райони марказини ташлаб чиқишга мажбур бўлди ва Кубатли — Зангелан йўли бўйича орқага чекинди.

ДЕНГИЗГА ЙЎЛ

● **ДЕҲЛИ. «Қурилажак янги темир йўл Марказий Осиёдаги уч мамлакат — Туркманистон, Афғонистон ва Покистонни бир-бири билан боғлайди.**

«Яқинда Исломободда уни барпо этишга келишиб олинди», деб хабар беради «Экономик Таймс» газетаси.

Бу темир йўл Туркманистон ва Афғонистоннинг денгизга чиқиши учун имконият яратади. Мўлжалга кўра «шарқий тезюрар» Ашгабатдан чиқиб, Афғонистоннинг Ҳирот ва Кандаҳор, Покистоннинг Кветта шаҳарлари орқали йирик порт — Карочига боради.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

● **ВАШИНГТОН. Россия Федерацияси Бош вазири шу йил 29 август — 2 сентябрь кунлари амалий визит билан Америка Қўшма Штатларида бўлди.**

Сафар чоғида Россиянинг космос, ёнилғи ва энергетика, атом энергияси соҳаларида океан орти мамлакати билан ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди. «Бу музокаралар АҚШ ҳукумати, Америка ишбилармонлари доираси Россияга жиддий эътибор бераётгани, унга тадбиркор шерик сифатида қараётганининг яхши намунасидир»,— деди Россия Федерацияси ҳукумати ахборот хизмати раҳбари Валентин Сергеев.

МОДДИЙ ЕТИШМОВЧИЛИК — ЖИДДИЙ МУАММО

● **ҚОҲИРА. Фаластин озодлик ҳаракати ижроия комитети раиси Ясир Арафат Исроил давлати вакиллари билан мулоқотда иштирок этаётган делегация аъзолари сонини икки баробар қисқартиришга қарор қилди.**

Миср ва чоп этиладиган «Ал-Аҳром» газетасининг хабар беришича, энди музокараларда атиги етти нафар фаластинлик қатнашади. Манбаларнинг шоҳидлик беришича, Фаластин озодлик ҳаракати ташкилотининг моддий жиҳатдан жиддий муаммоларга дуч келаётгани бунга сабаб бўлган.

ЯНГИ ҚУРИЛМАНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

● **УЛАН-БАТОР. Бу ерда «Интелсат» космик алоқалар ер усти станцияси ишга туширилди.**

Бу Монголия пойтахти билан хорижий шаҳарлар ва мамлакат ички ҳудудларияро автомат телефон алоқасини йўлга қўйиш имконини берди. Янги қурилманинг яна бир эътиборли томони шундаки, у ер юзининг ҳамма нуқталаридан телевизион кўрсатувларни қабул қила олади.

Японияликлар ёрдами билан ишга туширилган бу янги станция қиймати бир ярим миллиард иендир, деб хабар беради Монцамэ агентлиги.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ,

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самаркандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 8-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.

Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г—531. № 163
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ. Р. АҲМАДАЛИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ;
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.